ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

10 январь, шанба 1998 йил №4 (506)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

УШБУ СОНДА:

ОДДИЙГИНА ЭЪТИБОР ЙЎҚ

...Лекин корхонанинг асосий фаолияти — аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш режаси 11 ойлик бўйича уддаланмади...

2-БЕТДА

РЕКЛАМА-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

3-БЕТДА

...«Ишонч»- Сизнинг хизматингизда! Реклама-тижорат иловамиз фақат ойнаи жаҳон мухлислари учунгина эмас, балки бизнесга, тижоратга, мамлакат моддий бойлигини кўпайтиришга алоқадор фуқаролар учун ҳам фойдали бўлишига шубҳа йўқ...

4-БЕТДА

...Артур ГРИГОРЯН уқувчилар даврасида...

5-БЕТДА



...Мен Ватанга нима бераяпман!

6-БЕТДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Б. Мустафоевни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 9-банди ва «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 12- моддасига мувофиқ:

Бўритош Мустафоев ваколат муддати тугаганлиги сабабли қайта Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
1998 йил 7 январь

КУЧЛАР БИРЛАШТИРИЛДИ

Ўзбекистон машинасозлик ва кон-металлургия саноати ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмиталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда бу икки тармоқ касаба уюшмаларини бирлаштириш ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг Ўзбекистон машинасозлик ва кон-металлургия саноати ходимлари касаба уюшмаларини бир касаба уюшмасига бирлаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқулланди.

Таъсис қурултойи ўтказилишига қадар ягона касаба уюшма органи ҳамда Ўзбекистон Машинасозлик ва кон-металлургия саноати ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси ходимларидан иборат ижроия идорасини тузишга қарор қилинди.

Қўшма мажлисда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Металл саноати меҳнаткашлари касаба уюшмалари Осиё ва Оврупо Федерацияси бош котиби ўринбосари, Ўзбекистон Кон-металлургия саноати ходимлари Марказий Қўмитасининг раиси Мамасодиқ Жамолиддиновнинг пенсия ёшига етганлиги муносабати билан Ўзбекистон Кон-металлургия саноати ходимлари Марказий Қўмитаси раиси вазифасидан озод этиш тўғрисидаги аризаси қондирилди.

Таъсис қурултойи ўтказилгунга қадар шу вақтгача Ўзбекистон Машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси бўлиб ишлаб келган Ш.Одилов республика Машинасозлик ва кон-металлургия касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси ижроия идораси раиси этиб сайланди. Шу вақтгача икки Марказий Қўмитада раис ўринбосарлари бўлиб ишлаб келган М.Эшонхўжаева, В.Любимов республика Машинасозлик ва кон-металлургия саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ижроия идораси раиси ўринбосарлари этиб сайландилар.

Қўшма мажлисда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раиси Д.Жаҳонгирова иштирок этди ва нутқ сўзлади.

«Ишонч» мақолалари изидан

«МАҚТАНГАННИНГ ТЎЙИГА БОР»

«Ишонч» газетасининг 1997 йил 22 ноябрда босилган «Мақтанганнинг тўйига бор» мақоласида Чуст туманидаги бир қатор савдо дўконлари пештахталарида аҳоли учун айрим турдаги зарур товарларнинг етишмаслиги, савдо қоидалари бузилганлиги тилга олинган.

Мазкур мақола 25 ноябрь куни Чуст тумани матлубот улгуржи-чакана савдо ҳиссадорлик жамиятига қарашли барча дўконлар мудирлари ва ходимлари иштирокида, 9 декабр куни вилоят матлубот ҳиссадорлик жамиятлари уюшмасининг барча шаҳар, туманлар савдо раҳбарларининг иштирокида ўтказилган йиғилишларида муҳокама қилинди. Мақолада кўрсатиб ўтилган камчиликлар, танқидлар тўғри деб топилди.

Аҳолини асосий турдаги озиқ-овқатлар билан таъминлашда, дўконлар пештахталарида доимо бўлиши мажбурий бўлган товарлар узилишига ҳамда савдо қоидаларини бузилишига йўл қўйган 7, 50, 53-озиқ-овқат дўконлари мудирлари В.Зарипов, Б.Файзиева, Ф.Камоловлар лавозимларидан бўшатилганлар. Дўконларни товарлар билан таъминлаш ва савдони ташкил этишдаги назоратсизликлари учун туман матлубот улгуржи-чакана савдо ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари М.Милижоновга, катта товаршунос О.Акбаровга, товаршунос Н.Аюбовларга қаттиқ хайфсан берилган. Вилоят матлубот ҳиссадорлик жамиятлари уюшмаси бошқаруви йиғилишининг қарори билан Чуст туман матлубот ҳиссадорлик жамияти раиси З.Юлдашев огоҳлантирилган.

Барча шаҳар, туманлар савдо тизимларида мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш бўйича зудлик билан тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Уларни бажариш устидан ҳокимликлар, давлат солиқ идоралари томонидан назорат ўрнатилди.

М.ҲАМИДОВ,
Наманган вилоят ҳокимининг ўринбосари

САМАРАЛИ МЕҲНАТ БАРАКАСИ

«Тожметалл» (аввалги «Коммунар») ҳиссадорлик жамияти Андижон вилоятидаги энг кекса саноат корхоналаридан биридир. У илк бор маҳсулот бера бошлаганидан буён салкам етмиш беш йил вақт утди. Дастлаб у қишлоқ хўжалик машиналарига эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарар эди. Бироз вақт ўтгач корхона Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи филиалига айлантирилиб, ёғ заводлари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Корхона ишга тушган дастлабки йиллардан бирида 31051 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, унинг касаба уюшмаси аъзолари атиги 35 киши бўлган бўлса, 1997 йили қарийб 150 миллион сўмлик турли хил маҳсулот ишлаб чиқариб, катта иқтисодий самарага эришди. Касаба уюшмаси аъзолари эса салкам бир минг кишига яқинлашиб қолди. Яна шуни таъкидлаш керакки, корхона 1997 йилда ишлаб чиқарган яллиқ маҳсулот (сўм ҳисобида) 1996 йилдагидан қарийб 20 фоиз кўп бўлди.

Тарихга мана шу кичкина чекиниш ҳамда факт ва рақамларда келтирилган қиёсий мисолларнинг ўзи корхона нақадар улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганлигининг ёрқин далили бўла олади. Бугунги кунда корхона нафақат Андижон вилояти, балки бутун мамлакатимизнинг йирик саноат корхоналаридан бирига айланиб қолган.

«Тожметалл» ремонт-механика заводи вилоятда биринчилардан бўлиб ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Бу корхонада ишлаб чиқариш суръатларининг анча жадаллашувига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга ишчи ва хизматчилар, муҳандис-техник ходимлар моддий манфаатдорлигининг сезиларли даражада ошишида ҳам муҳим роль ўйнади. Корхона асосан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун зарур бўлган мослама ва асбоб-ускуналарни етказиб беради. Республикамиз қишлоқ хўжалигида ва у билан боғлиқ саноатда кенг қўламда ишлатилаётган пахта ҳосилини ғарам (бунт)га етказиб берувчи ускуналар, пахта ҳомашёсини қуритувчи барабанлар, пахтани тозаловчи, унинг толасини той қилиб берувчи дастгоҳлар ва бошқа хил кўплаб асбоб-ускуналар андижонлик машинасозларнинг баракали меҳнатлари самараси эканлигини айрим кишилар билмасликлари ҳам мумкин.

Маълумки, мамлакатимиз далаларида туксизлантирилган чигитни экиш пахтачиликда истиқболли усуллардан эканлиги кейинги йилларда ҳаммага равшан бўлиб қолди. Туксизлантирилган чигит бир томондан тез ва бехато униб чиқиши билан, иккинчи томондан уруғликнинг тежалиши ва шу маънода хўжаликларга муайян миқдорда иқтисодий самара келтириши билан диққатга сазовордир. Шунинг учун республикамизда чигитни туксизлантириб берувчи ускуналарга эҳтиёж йил сайин ўсиб бормоқда. «Тожметалл» корхонаси худди ана шундай ускуналарни ишлаб чиқариб, пахтакорларнинг мушкулини осон қилмоқда.

Завод жамоаси нафақат пахтачилик тармоғи, балки ғаллачилик соҳаси учун машиналар ишлаб чиқариш билан ҳам ном тарата бошлади. Масалан, у ўтган йили дон маҳсулотлари корпорациясининг буюртмаси бўйича «ПКШ» русумли дон юклагич машиналардан 25 тасини тайёрлаб берди. Бу машина соатига 18 тонна донни юклаб бериш қувватига эга бўлиб, пишиқ-пухталиги ва ихчамлиги билан ажралиб туради. Илгари бундай машиналар чет элдан, асосан Украина давлатидан олиб келинар эди.

Яна бошқа бир техника — бошоқли экинларни янчийдиган, соатига 500 килограмм донни поясидан ажратиб берадиган комбайнни ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. У деҳқон (фермер) хўжаликлари учун мўлжалланган бўлиб, бундай комбайнлардан дастлабки 50 таси буюртма бўйича тайёрлаб берилди. Мамлакатимизда ғалла мустақиллигига эришиш учун кураш бошланганлиги, деҳқон (фермер) хўжаликлари ишини кучайтиришга катта эътибор берилаётганлиги назарга олинадиган бўлса, андижонлик машинасозларнинг бу янги ташаббуслари давлатнинг чет эллардан турли техникалар келтириш учун сарфланадиган эркин муомала қиладиган валюта маблағини тежаш билан бирга ғаллачиликни ривожлантиришда, ун ишлаб чиқариш саноатини замонавий ускуналар билан жиҳозлашда муҳим омил бўлади, деб ўйлаймиз. Бундан кейин завод цехларида бу турдаги мослама ва ускуналарни ишлаб чиқариш янада кўпайишига ишончимиз комил.

Ҳиссадорлик жамияти меҳнаткашларининг ишлаб чиқариш соҳасида эришаётган ютуқлари озмунча эмас. Уларнинг таърифини келтираверадиган бўлсак гап кўп. Лекин бизнинг иккинчи асосий мақсадимиз — жамоа аъзоларининг бозор иқтисодиёти шароити қийинчиликларини озми-кўпми енгиб ўтишларида корхона раҳбарияти ва касаба уюшмаси қумитаси қандай ёрдам бераётганликларини, ишчи ва хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш қандай йўлга қўйилганлигини кўрсатиб беришдан иборатдир.

Корхона жамоаси аъзоларининг яхши ишлаётганликлари туфайли ишлаб чиқариш кенгайиши билан бирга фидокорона меҳнатнинг самараси ҳам тезда кўзга кўрина бошлаяпти. Самарали меҳнат эса акциядорлик жамияти иқтисодиётини юксалтирмоқда. Бу корхона ишчи ва хизматчиларини иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда. Шуниси диққатга сазоворки, меҳнаткашларга моддий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий ҳимоялаш кулами корхонада йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Масалан, 1995 йили ишчи ва хизматчилар, муҳандис-техник ходимларга 11 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, 1996 йилда бундай ёрдам 653 минг сўмни ташкил этди. Утган йили эса бундай хайрли ишларга ажратилган маблағ янада баракали бўлиб, салкам бир миллион сўмга етди.

Ишчи-хизматчилар билан корхона маъмурияти ўртасида тузилган жамоа шартномаси ҳиссадорлик жамиятининг ўз иш фаолиятини мутасил ривожлантириб боришида муҳим дастуриламал бўлмоқда. Биз юқорида зикр этган уч йил мобайнида жамоа шартномаси доим яхши бажариб келинди. Касаба уюшмаси қумитаси маъмурият билан келишган ҳолда жамоада маданий-маърифий ва спорт-жисмоний тарбия ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор бераяпти. Ўз навбатида маъмурият бу ишларни ривожлантириш учун ҳиссадорлик жамияти иш ҳақи фондидан касаба уюшмаси қумитаси жорий ҳисоб рақамига йилнинг ҳар бир чорагида 3 фоиз миқдорида маблағ утказмоқда.

Ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти (раиси Шавкат Ҳасанов) билан касаба уюшмаси қумитаси (раиси Тоҳир Қаюмов) ишчи ва хизматчиларнинг ўз вақтида меҳнат таътилларига чиқишларини ва уларнинг таътилдаги кунлари хуш кайфият ҳамда мазмунли ўтишини ташкил этишни сира эътибордан четда қолдирмаётир. Корхона салоҳияти ва иқтисодий имкониятлари ўса бошлаган кейинги йилларда бундай ишлар айниқса кучайиб бормоқда. Натижада турли сиҳатгоҳларда ҳам дам олиб, ҳам даволаниб келаётган кишиларнинг сони тобора кўпайяпти. Энг муҳими, санаторий ва дам олиш уйларига текин йўлланмалар билан бориб, ўз саломатликларини тиклаб қайтаётган ишчи ва хизматчилар ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликни чуқур ҳис этиб, ишлаб чиқаришда янада кўпроқ жон куйдириб ишлашмоқда. 1996 йилда 8 нафар ишчи-хизматчига, 1997 йилда 15 дан ортиқ ишчи-хизматчи ва 2 нафар болага санаторийларга бепул йўлланма берилганлиги, 1996 йили ишчиларнинг 20 фарзанди, 1997 йилда эса 30 фарзанди болалар дам олиш масканларида ҳордиқ чиқариб қайтганлиги ҳиссадорлик жамияти ўз аъзоларига ҳам, уларнинг ўғил-қизларига ҳам катта ғамхўрлик кўрсатаётганлигининг яхши намунасидир. Яна бир мақтовга арзигулик мисол: ишчи-хизматчилар, муҳандис-техникларнинг фарзандлари корхона қошидаги болалар боғчасида бепул тарбияланадилар.

Маълумки, одамларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашнинг турли-туман йўллари мавжуд. Байрамларда совға-саломлар улашиш, янги уй қураётганда ёки эскиси таъмирланаётганда қурилиш материаллари ёхуд маблағ билан кўмаклашиш, овқат пули ёки йўл кира ҳақи бериш шулар жумласидан. Корхона ишчилари ҳар бир байрамда пул мукофоти ёки совға оладилар. Заводга олисдан қатнаб ишловчилар учун йўлкира ҳақи корхона ҳисобидан туланади. Бундан бир неча йил муқаддам ишчи Мухтор Маҳмудов оламдан ўтиб, ёш фарзандлари иқтисодий қийинчиликда қолишди. Бунинг устига улар яшаётган уй таъмирталаб эди. Ана шунда корхона ёрдам қўлини чўзди: етим болаларнинг уйини яхшилаб таъмирлаб берди. Бунга 458 минг сумдан ортиқ пул сарфланди. Утган йили йигув-чилангарлик цехи устаси Равшан Ботировнинг ёниб кетган уйини таъмирлаш учун анчагина ҳажмда қурилиш материаллари ёрдамга берилди.

Қисқаси, 1997 йилнинг ўзида иқтисодий ночор оилаларга 800 минг сумлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳиссадорлик жамияти Оила йилида ҳам савобли ишлар руйхатини янги хайрли тадбирлар билан давом эттирмоқчи: 1998 йилда 24 хонадонга мўлжаллаб ҳар бири 4 хонали бўлган уйлар қуриб беришни режалаштирган. Ҳар бир хонадон уйининг қурилиш қиймати ҳомаки ҳисоб-китобларга қараганда 1 миллион 300 минг сўмга тушади.

Меҳнат қилиб унинг роҳатини сурганга не етсин! «Тожметалл» ҳиссадорлик жамияти аъзолари ана шундай яхши меҳнат қилишиб унинг самарасию баракасидан ҳам бахраманд бўлишиб, ана шундай роҳат-фароғатда яшамоқдалар.

Абдураим ОТАМЕТОВ,
Абдурашид НОРМУҲАМЕДОВ.

АВЛОДЛАР ТАРБИЯСИ – ДИҚҚАТ МАРКАЗИМИЗДА

Жўра ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири

«Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак.

Шу билан бирга, ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳаётий талабларини қондириш, уларни рағбатлантириш, уларнинг ўз иши, касбидан мамнун бўлишини таъминлашимиз лозим».

Ислом КАРИМОВ

Истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз ва Ҳукуматимизнинг ҳар бир Фармон ва Қарорларида келажак авлод тарбиясига алоҳида диққат-эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, мазкур муҳим мақсадни амалга оширувчи ўқитувчи ва тарбиячиларга барча шароитларни яратиб беришга, айниқса уларнинг ижтимоий ҳимоясига мутасил ғамхўрлик қилиб келинмоқда. Бу борада ўтган йилнинг 29 августида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессияси алоҳида урин тутади.

Мазкур сессия қабул қилган муҳим ҳужжатлар - «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» халқ таълими тизими олдига долзарб вазифаларни қўйди. Шундан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш бўйича 1998 йилда бир қатор муҳим тадбирларни амалга оширишни режалаштирилган.

Яқинда Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида республикамизнинг барча вилоят халқ таълими бошқармалари, педагогик ходимлар малакасини ошириш институтлари раҳбарлари, мактабларнинг директорлари ва бошқа таълим-тарбия билан бевосита шуғулланувчи мутасадди ходимлар иштирокида муҳим анжуман ўтказилди. Унда 2001 йилгача олдимизда турган асосий вазифалар муҳокама этилди, жойлардан келган таълим ходимлари ушбу вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар. Мазкур катта анжуман барча таълим ходимлари учун зарур тавсиянома қабул қилди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонунда «таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш»га алоҳида эътибор берилган. Унда кўрсатилишича, таълим муассасалари ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади, ҳақи тўланадиган йиллик узайтирилган таътиллар ва қонун ҳужжатлари назарда тутган бошқа имтиёзлар берилади. Жумладан, таълим муассасалари иш ҳақига мўлжалланган мавжуд маблағлар доирасида мустақил равишда устама белгилашга ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришнинг турли шаклларини қўллашга ҳақли.

(Давоми 2-бетда)

«Ер ҳайдасанг, куз ҳайда» мақолини билмайдиган деҳқонлар

Қишлоқ хўжалигида кузги-қишги ишларни ўз вақтида амалга ошириш нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлиги барчага аён. Шунинг учун республикамизнинг кўплаб туманлари деҳқонлари бу тадбирни ерлар экиндан бўшаган заҳоти бошлаб юборишган. Аммо ҳамма жойда ҳам ишлар кўнгилдагидек деб бўлмайди. Айниқса, Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманида аҳвол ачинарлидир. Бунинг асосий сабаби техниканинг мавсумга ўз вақтида тайёрланмагани, эҳтиёт қисмларнинг етишмаётганлигидир.

Суратда: Мингбулоқ туманидаги «Гигант» жамоа хўжалигининг таъмирлаш устахонасида сочилиб ётган техника.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Жаҳон озиқ-овқат ташкилоти Шимолий Кореядаги очарчиликни тугатиш учун ўз тарихидаги энг йирик лойиҳани ҳаётга тадбиқ этишга ҳозирлик кўрмоқда. Шимолий Кореядаги озиқ-овқат омборлари апрель ойидаёқ бўшаб қолиши эҳтимоли бор. Шунинг учун Жаҳон озиқ-овқат ташкилоти бу мамлакатга халқаро ҳамжамиятнинг ёрдамини янада кучайтириш ҳаракатида. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қарашли ушбу таркибий бўлинма раҳбари Карин Бертининг айтишича, Шимолий Кореяга айни пайтда 280 миллион доллорлик озиқ-овқат керак...

* * *

Британия Қироллиги ҳарбий-денгиз флоти ўз сафига кўпроқ муслима аёлларни жалб этишга қаратилган режасини эълон қилди. Британиядаги миллий камчилик вакилалари аввалдан армияда хизмат қилади. Денгиз флотининг маълум қилишича, муслима аёлларни Флотга жалб этиш йўлида аллақачон бир қанча ўзгаришлар жорий этилган. Жумладан, муслималар сузиш бўйича синовдан ўтаётганларида бу синовга эркаклар қўйилмайди. Шунингдек, муслималарга йил бўйи енги узун куйлак кийиб юришга рухсат берилади.

* * *

Муборак Рамазон ойи муносабати билан Дубай давлати раҳбарияти ўзига хос авфнома (амнистия) эълон қилди. Ҳукумат қарорига кўра, мамлакат қамоқларидан Қуръонни тўла ёд олиши мумкин бўлганлар озод этилади.

* * *

Франциядаги ишсизлар бир неча кундан бери норозилик намойиши ўтказмоқдалар. Улар ўзларига иш жойлари ажратилишини талаб қилиб, мамлакатдаги кўпгина меҳнат биржаларини қуршаб олдилар. Франция ҳукумати ишсизларга ёрдам сифатида 150 миллион франк ажратишини маълум қилди. Бироқ бу ваъда ҳам француз ишсизларини тинчлантиргани йўқ.

* * *

Туққиз ойлик танаффусдан сунг Хитой доҳийси Мао Цзэдун мақбараси зиёратчилар учун яна очиқ деб эълон қилинди. Шу муносабат билан мақбара жойлашган Пекиндаги Тяньаньмэнь майдонига минглаб хитойликлар тўпландилар. Доҳий Мао Цзэдун 1976 йилда вафот этган эди. Унинг мум суртилган жасади Тяньаньмэнь майдонидаги мақбарага ўрнатилган ва бу ер ўшандан буён Пекиндаги энг ганжум зиёратгоҳлардан бирига айланган.

* * *

Буюк Британиянинг «Таймс» газетаси ёзишича, балиқ инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдали экан. Жумладан, ҳар куни биттадан балиқ пиширib еган киши юрак хасталигига чалинмас экан.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун - ҳаётга

АВЛОДЛАР ТАРБИЯСИ–ДИҚҚАТ МАРКАЗИМИЗДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу - таълим муассасалари маъмурият ва касаба уюшма қўмиталари биргаликда ижтимоий ҳимоя воситаларини кучайтиришлари учун имкониятлар анча кенгайтирилганидан далолат беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ўзига хос муҳим хусусиятларидан бири узлуксиз таълимга кенг ўрин берилганлигидир. Унда таъкидланганидек, узлуксиз таълим- малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир. Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Мазкур соҳадаги ислоҳотлар қуйидагиларни назарда тутади:

- Таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш; тарбиячи, ўқитувчи, муаллим ва илмий ходимнинг касбий нуфузини ошириш;

- таълим тизимини таркибий жиҳатдан қайта қуриш, таълим, фан, техника ва технологиянинг, иқтисодиёт ва маданиятнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва касб-ҳунар таълими дастурларини тубдан ўзгартириш.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш мазкур тизимнинг муҳим бўғинидир. «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасида кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, уларнинг касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайди, дейилади.

Хўш, шундай экан, ҳозирги вақтдаги малака ошириш тизими бизни - ўқитувчини нимаси билан қониқтирмай қўйди, деган савол туғилади.

Бизнингча, аввало ўқув режалари, дастурлари ҳамма учун бир хиллиги ва консервативлиги билан; маърузачилар таркибининг бир маромда қолиши билан; кутубхона хизматидан деярлик фойдаланилмаслиги натижасида мустақил мутолаага етарли эътибор берилмаслиги билан; курс самарадорлиги ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги билан; кўрсни ким, қандай битирмасин унинг маънавий-моддий манфаатдорлигининг йўқлиги билан ва ниҳоят ҳар 5 йилдагина малака ошириш керак деган ягона, ўзгармас тартиб ўрнатилганлиги билан давр талабларига жавоб беролмай қолди.

Эндиликда, малака оширишда нимани, қандай қилиб ислоҳ этиш керак, деган савол келиб чиқади.

Бизнингча, малака ошириш курсига келадиганларни аввало анкета асосида диогностик синов ўтказиб, уларнинг касб маҳоратларини, касбий тайёргарлик даражаларини, психологик-педагогик тайёргарлик савияси асосида табақалаб ўқитиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун табақаланган ўқув-режа, дастурларни янгилаш, курс жараёнида кириш-чиқиш тестларини ўтказиб, таҳлил этиш, мустақил ишлаш, мустақил мутолаага жиддий эътибор бериш зарур. Шунингдек, курс машғулотларига маърузачилар билими ва маҳоратини алоҳида ўрганиб, «Маърузачи- тингловчи нигоҳида» деган анкета ўтказиб, улар таркибини саралаб бориш, кўпроқ новатор ўқитувчи, илғор амалиётчилар, йирик олимларни маъруза ўқишга таклиф этмоқ керак.

Дастур ва ўқув-режаларини янгилашда ҳам курсдаги типик хатоларни бартараф этиш, тингловчи истак-хоҳиши ва эҳтиёжларини эътиборга олиш лозим.

Бундан ташқари курсни битирган борганларнинг ойлик маошларини тежаш ҳисобидан 15 фоиз рағбатлантириш керак. Керак бўлса уларни ҳар 3-5 йилда маънавий рағбатлантиришни кун тартибига киритиш зарур.

Замон талабларидан келиб чиқиб, малака оширишни бошқаришнинг ҳам иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш олдимизда турган муҳим вазифалардандир.

Маҳаллий кадрлар тайёрлаш - жиддий масала. Бу борада ахборот ва тарғибот ишларига махсус эътибор лозим. Турли баҳоналар билан ўз касбига доир матбуот нашрларини уқимайдиган, обуна бўлмаётганлар маънавий қашшоқлашиб, тор фикрли бўлиб қолишлари аниқ. Бу масалада ҳам бош қотириш, қандайдир йўлларини излаш керак. Шундай қилишимиз керакки, ҳар бир ўқитувчи, ҳар бир тарбиячи малака ошириши зарур, бу менинг ҳаётий эҳтиёжим, акс ҳолда давр талабларига жавоб беролмай қоламан, деб ўзи қатъий ҳаракатга тушсин.

Ҳозирги вақтда бозор иқтисодиётининг ўткинчи қийинчиликларидан чўчиб, айрим ўқитувчилар мактабни ташлаб, бошқа ишларга ўтиб кетаётир, деган гаплар юрибди. Тўғри, шундайлар бор. Лекин, улар, барибир касбини хор қилганидан пушаймон бўлади, пайти келиб, қаттиқ афсусланади. Яқинда менинг қабулимга бир собиқ ўқитувчи кириб келди, у бундан 2 йил олдин ўқитувчилик касбини ташлаб, бошқа соҳага ўтиб, сартарошларга бошчилик қилаётган экан. У яқинда ўқитувчиларнинг маоши икки баробар ошар экан, илтимос, ўз касбимга қайтишимга ёрдам берсангиз, деди. Унга шундай дейишимга тўғри келди: Сиз икки йил ичида 20 йиллик маънавиятдан, билимдан, давр талабларидан орқада қолдингиз, энди сизнинг мактабда ишлашингиз қийин. Демак, сиз болаларни севмагансиз, мактабда эса болаларни севган кишигина ишлаши керак...

Бозор иқтисодиёти даври мактабга, ўқитувчига янги талаблар қўймоқда. Ҳозирги даврда ўқитувчи иқтисодий, ҳуқуқий, экологик билимлардан хабардор бўлиши шарт. Ўз касбий билимидан ташқари давр қўяётган технологиядан зарур амалий кўникмага эга бўлиши керак.

Халқ таълими соҳасида кадрлар қунимсизлигига маҳаллий кадрлар тайёрлаш, уларнинг оилавий шароитига алоҳида ғамхўрлик қилиш орқали барҳам бериш чораларини кўришимиз зарур. Бу масала айниқса оила йилида алоҳида аҳамият касб этади.

2001 йилгача иқтисодчиларнинг биринчи босқичида халқ таълими соҳасида иқтисодий базани яратиш вазифасини амалга оширишимизни тақозо этади. Бунинг учун дастлаб синфларни қисқартириб, болалар сонини кўпайтиришнинг ҳеч бир зарарли томони йўқ. Нима учун? Хўш, нима қилишимиз керак?

Бу борада чет элдаги илғор тажрибалардан ўргансак бўлади. Кўпгина мамлакатларда синф хоналарида ўқувчилар сони бизникидай 25-30 та эмас, балки, уларда 40-50 бола бўлса ҳам синфни бемалол бошқарадилар. Бунинг учун бизда янги педагогик технологияни жорий этиш пайти келган. Бу нима дегани?

Бу - ўқитувчи ўзи гапириб, болани суқут сақловчи тингловчига айлантириш дегани эмас, балки уларни мустақил фикрлашга ургатиш, дарсда турли-туман усул ва воситаларни қуллаш, компьютердан, техника воситаларидан кенг фойдаланиш, монологик услубдан диалогик методга ўтиш, анъанавий эскича дарс ўтиш усулларидан воз кечиб, эркин, ижодий фикрлашга ундайдиган таълим технологиясини жорий этиш керак дегани. Нега дарсларда болалар ёшига мос, катта таълим-тарбиявий аҳамиятга эга видеофильмлардан фойдаланиш мумкин эмас? Нега синфда 60 дан ортиқ болани мустақил топшириқ билан банд қилишнинг иложи бўлмасин? Бунинг учун янгича ўқитиш технологияси - сценарийларини ишлаб чиқиш мумкинми? Албатта мумкин! Демак, услубий маҳоратни оширишга ёрдам берадиган барча омилларни ишга солиш зарур.

Хуллас, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан боғлиқ узлуксиз таълим тизимини жорий этиш ва уни такомиллаштириб боришни талаб этади.

Пайтдан фойдаланиб, ўқитувчилар, тарбиячилар ва халқ таълимининг барча ходимларини янги - 1998 йил билан қизғин муборакбод этиб, уларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, тинчлик, омад ва барқамол келажак авлод тарбиясида улкан улкан муваффақиятлар тилайман!

Ўнгланаётган корхоналар сирасига Оқтош автобус-такси саройи ҳиссадорлик жамиятини ҳам киритиш мумкин. Янги раҳбар Инатулла Ҳамроев тадбиркорлик билан иш юритиши натижасида 10 ойлик якуни билан корхона илк марта ўз ҳаражатларини ўзи қоплади.

Лекин корхонанинг асосий фаолияти—аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш режаси 11 ойлик бўйича удаланмади. Таксилар бўйича кўрсаткичлар яхши бўлсада, автобуслар аҳолига 265 минг сўмлик хизмат кўрсатмаган. Сабаби қуйидагича:

Корхона ихтиёрида 73та автобус, 34та енгил таксилар бор. Аммо кунига атиги 40та автобус, 22-24та такси йўлга чиқарилаяпти. Парк имкониятидан 66-68 фоиз фойдаланилаётир, холос. Оқибатда илгари мавжуд 45та автобус йўналишлари-

Шартнома қандай бажарилмоқда?

ОДДИЙГИНА ЭЪТИБОР ЙЎҚ

дан 15таси ёпилган. Корхонада бўлган кунимиз кўпгина ишчилар махсус кийимларсиз ишлаётганига, устахоналарда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш воситалари, хавфсизлик техникасига доир кўргазмали воситаларнинг йўқлигига гувоҳ бўлдик. Корхона раҳбари шу куни сафарга кетган экан. Бош муҳандис С. Қудратовдан жамоа шартномасининг бажарилишини сўрадик. Суҳбатдошимиз жамоа шартномасини касаба-қўм раисида сақланишини, у киши (шофёр экан) йўлга чиқиб кетганини айтди. Тушунтирувимиздан кейин жамоа шартномасининг иккинчи нусхаси кадрлар бўлимида «аниқланди». Лекин шу орада кадрлар бўлими бошлиги хизмат юзасидан қаергадир кетиб қолибди. Хуллас, жамоа шартномаси ва унинг бажарилиши билан танишолмадик. Кўрганларимизга асосланганда эса корхонада меҳнат қонунларининг бажарилиши, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги, ишчиларга имтиёзлар берилиши борасида нуқсонлар, ҳал этилмаган масалалар анчагинага ўхшайди. Шу куни корхона раҳбари билан учрашишга ҳаракат қилдик. Аммо ниятимиз амалга ошмади.

Кейинчалик Ўргут ва Каттақўрғон автобус-такси саройи ҳиссадорлик жамиятларида ҳам бўлдик. Бу ерларда ҳам аҳвол билан танишишга имкон беришмади. Раҳбардан рухсат олиш керак эмиш. Аммо автокорхоналар остонасидан ҳатлагандаёқ кўплаб машиналар туриб қолганини кўрасиз. Носоз уловлар эса ҳамиша қўшимча ҳаражат талаб қилади. Даромад келтириш омиллари камайган сари ижтимоий масалаларни ҳал этишнинг молиявий имконияти чекланаверади. Бинобарин, жамоа шартномалари бандларини бажариш қийинлашади. Ўйлаймизки, «Самарқандтранс» бирлашмаси тармоқ касаба уюшмаси қўмитаси бундай аҳволни чуқур таҳлил этиб, зарур хулосалар чиқариб олади.

Р. ҚУРБОНОВ
«Ишонч» мухбири.

Касаба уюшмаси ва иқтисодий ислоҳот

ФАОЛИЯТНИ ЖОНЛАНТИРИШ КЕРАК

Ўзбекистон Олий Мажлисининг бўлиб ўтган X сессияси, унда Президент И.Каримовнинг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлларини аниқ кўрсатиб берган маърузаси Қорақалпоғистон меҳнаткашлари томонидан мамнуният билан қарши олинди. Юртбошимиз қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида туб бурилишлар ясаб, уни кескин ривожлантирмасдан юксак тараққий этган мамлакатлар даражасига етиш асло мумкин эмаслигини алоҳида таъкидладилар. Бунинг учун қишлоқ хўжалигидаги ишларни жаҳон андозалари даражасига кўтариш, мулк шаклини ўзгартириш, ерни ҳақиқий эгаларига топшириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, деҳқоннинг манфаатларини ошириш, иш ҳақини ўз вақтида берилишини таъминлаш яшаш ва ишлаш шароитларини яхшилаш каби қатор ҳаётий масалаларни ҳал этиш юзасидан мазкур маърузада аниқ йўлланмалар берилди.

Шубҳасиз, Оролбўйи минтақаси қишлоқ хўжалигида ҳам иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш юзасидан катта ишлар қилинмоқда. Барча тармоқларда мулк шакллари ўзгармоқда. Соҳани техника ва минерал ўғитлар билан таъминлашда анча силжиш бўлди. Уруғчиликка эътибор кучайтирилди. Ўтган йили Андижон технологияси асосида пленка остига чигит экилган 6 минг гектардан юқори ва сифатли ҳосил олинди. Қўшқаторлаб экиш ҳам яхши самара берди. Натижада Қорақалпоғистонда сув ғоят танқис бўлган 1997 йилда аввалги йилга нисбатан 65,4 минг тонна кўп пахта сотилди. 4 та туман, 80 та хўжалик пахта тайёрлаш, Нукус тумани шоли етиштириш йиллик режаларини бажарди. Бу ютуқларга эришишда деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари Қорақалпоғистон республикаси касабақўмининг ҳиссаси бор эканлигини тан олиш лозим. Унинг таркибидаги 1015 бошланғич ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Улар амалдаги қонунчилик асосида меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг яшаш ва ишлаш шароитларини яхшилаш, кам таъминланган оилаларга моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, саломатликларини мустаҳкамлаш йўлида имкон доирасида иш олиб борди. Жамоа шартномалари, битимлар тузилиб, уларнинг ижросига катта эътибор берилди. Бу борада Қунғирот, Тахтакўпир, Қонликўл, Элликқалъа туманлари қўмиталари анча фаоллик қилганини таъкидлаш керак.

Шунингдек, ўтган йили 2 мингдан зиёд киши имтиёзли йўлланмалар олиб, санаторий-профилакторийларда саломатликларини мустаҳкамлаб қайтишди. 1.200 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Экологик вазият мушкуллашган Оролбўйи минтақаси овулларининг 1149 нафар ўғил-қизлари Тошкент вилоятининг оромгоҳларида бепул дам олишди. Туманлардаги энг хушманзара жойларда 30 та болалар масканлари ташкил этилиб, уларда 4622 ўқувчилар ёз мавсумини соз ўтказишди.

Деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари республика қўмитаси булардан бошқа яна қўплаб намунавий ишларни ҳаётга тадбиқ қилди. Аммо республика қўмитаси фаолиятини атрофлича таҳлил қилар эканмиз, ишлар ҳали шу кун талаблари даражасида эмаслиги яққол сезилади. Баъзи касаба-қўмлар бозор муносабатларига утишдек мураккаб жараённи тула англаб етмаган шекилли, жамоа шартномаларининг ижроси яъни кўп маҳсулотлар, тайёр товарлар етиштириб, даромад миқдорини орттиришдек муҳим ҳаракатда оддий томошабин бўлиб қолмоқда. Бир сўз билан айтганда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг бошқа вилоятларга нисбатан имиллаши, шартномаларнинг муттасил бажарилмаслигига касабақўмларнинг ҳам тула маънода алоқаси бор дейиш мумкин.

Хусусан, «Ер тўғрисида»ги, «Мулк тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги, «Кооперация тўғрисида»ги «Хўжалик жамиятлари ва бирлашмалари тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида»ги қатор қонунлар ижросида касабақўмлар иштироки сезилмаётир. Айниқса, ердан самарали фойдаланиш ҳолати йилдан-йилга ёмонлашмоқда. Республика қўмитаси раҳбариятини ҳар йили минг-минг гектар ерлар экилмасдан қолаётгани ташвишлантирмаётганга ўхшайди. Агар 1993 йили суғориб экиладиган 428,1 минг гектар ернинг 394,6 минг гектарига экин экилди. Демак, 1993 йили 33,5 минг, ўтган йили 47,6 минг гектар асосий бойлик-ҳосилдор ерлар экилмасдан бефойда қолди.

Яна бир муҳим жиҳат касабақўмлар эътиборидан четда қолмоқда. Туғрироғи, касаба қўмиталари бу масалага аралашишни узларига эп кўрмаётирлар. Бу пахтачиликка ихтисослашган айрим туманларда шоли майдонларининг кескин ортиб бориши, аммо маҳсулот етиштириш аксинча асоссиз равишда камайиб кетишидир. Масалан, шолиюлар 1994 йилга нисбатан Хўжайли туманида 1335 гектар, Беруний туманида 1083, Шуманай туманида 782, Кегайли туманида 655, Тўрткўл туманида 545 гектарга кўпайган бир пайтда, шоли топшириш уч марта камайди. Тўғри, 1994 йилга нисбатан сув танқислиги сезилди. Аммо кўп жойларда пахта ва бошқа экинлар «ризқи»ни қийиб бўлса ҳам шолига сув етказиб бериш учун қаттиқ ҳаракат қилинди. Режалаштирилганидан камроқ бўлса ҳам ҳосил йиғиштириб олинди-ку.

Касабақўмлар эътиборидан ишлаб чиқаришда касаба уюшма аъзоларининг фаоллигини ошириш масаласига етарли эътибор берилмаяпти. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация-мелиорация тармоқларидан самарали фойдаланиш масалалари ҳам четда қоляпти. Ҳар йили ерларни текислаш, шўр ювишга тайёрлаш, маҳаллий ўғит чиқариш каби муҳим тадбирлар кечиқиб ўтказилади. Натижада ерларнинг шўрланиш даражаси юқори, олинадиган ҳосилдорлик паст бўлмоқда. Масалан, 1993 йилга нисбатан пахта ҳосилдорлиги ҳар гектарига 3.3, шоли 8.6 дон учун маккажўхори 9,1, картошка 7.6, сабзавот 13.3 центнерга камайди. Давлатга маҳсулот топшириш шартномалари 3-4 йиллаб бажарилмаяпти. Даромад кескин камаймоқда.

Республика Қўмитасининг меҳнаткашларни согломлаштириш жамғармасига 1994-97 йиллар учун салкам 100 млн. сўмлик бадаллар келиб тушмагани сабабларини ҳам шундан излаш керакдир. Утган йили республика қўмитасининг ижтимоий суғурта марказлашган жамғармасига 61.7 миллион сумлик бадаллар келиб тушиши режалаштирилди. Бу кўрсаткич 30 млн. сўмга ҳам етмади. 24 млн. 700 минг сўмлик касаба уюшма аъзолиги бадалларидан аранг 13,5 млн. сўм тўпланди. Бу борада Муйноқ, Бузатов, Шуманай ва Тўрткўл туманларида аҳвол шу кун талаби даражасида эмас.

Касабақўмлар ҳисобига йиллаб тегишли маблағлар келиб тушмаганлиги сабабли зарур харажатлар учун пул олишолмаяпти.

Умуман, касабақўмлар фаолиятини, айниқса, уларнинг молиявий аҳволини тубдан яхшилаш ҳақида гап борар экан, жойлардаги банк тизими билан алоқани такомиллаштириш чора-тадбирларини кўриш керак. Бу масалани тезроқ ҳал этишда пул-кредит комиссияларининг амалий ёрдамлари ғоят зарур.

Яна бир масала: мамлакатимиз Президенти И.Каримов Олий Мажлисининг X сессиясидаги маърузасида: «Бозор муносабатлари ҳар қандай фаолият асосида энг аввало иқтисодий фойда ётишини, ишлаб чиқариш сўзсиз равишда рентабелли бўлишини тақозо қилади» деб алоҳида таъкидлаганини унутмаслик лозим. Лекин Қорақалпоғистонда ҳали ҳам паст рентабелли, зарар кўраётган хўжаликлар сони камаймаётир. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисидаги қонун кўп ҳиҳатдан ана шу хўжаликларга бевосита тааллуқлидир. Хўш, санацияни тадбиқ этиш, банкротлик юз берган тақдирда касабақўмлар қандай йўл тутишлари керак? Меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш қай усулда амалга оширилиши мумкин?

Қорақалпоғистон деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари республика қўмитасида молиявий аҳволни тубдан яхшилаш ҳақида гап борар экан, жойлардаги банк тизими билан алоқани такомиллаштириш чора-тадбирларини кўриш керак. Бу масалани тезроқ ҳал этишда пул-кредит комиссияларининг амалий ёрдамлари ғоят зарур.

Умуман, касабақўмлар фаолиятини, айниқса, уларнинг молиявий аҳволини тубдан яхшилаш ҳақида гап борар экан, жойлардаги банк тизими билан алоқани такомиллаштириш чора-тадбирларини кўриш керак. Бу масалани тезроқ ҳал этишда пул-кредит комиссияларининг амалий ёрдамлари ғоят зарур.

Яна бир масала: мамлакатимиз Президенти И.Каримов Олий Мажлисининг X сессиясидаги маърузасида: «Бозор муносабатлари ҳар қандай фаолият асосида энг аввало иқтисодий фойда ётишини, ишлаб чиқариш сўзсиз равишда рентабелли бўлишини тақозо қилади» деб алоҳида таъкидлаганини унутмаслик лозим. Лекин Қорақалпоғистонда ҳали ҳам паст рентабелли, зарар кўраётган хўжаликлар сони камаймаётир. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисидаги қонун кўп ҳиҳатдан ана шу хўжаликларга бевосита тааллуқлидир. Хўш, санацияни тадбиқ этиш, банкротлик юз берган тақдирда касабақўмлар қандай йўл тутишлари керак? Меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш қай усулда амалга оширилиши мумкин?

Қорақалпоғистон деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари республика қўмитасида молиявий аҳволни

ДУШАНБА, 12

I

5.15 «Алишер Навоий». Кўп қисмли видеофильм. 1—2-қисмлар.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Қуддус Муҳаммадий».
8.50 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.15 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 13-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Арча атрофида». Алишер Навоий номли театрда Арча байрами.
10.10 «Кино янгиликлари».
10.25 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.45 «Кетмас давлат берсин».
11.10 «Ой камалаги». Бадиий фильм.
12.35 Дзюдо бўйича Ўзбекистон кубоги.
13.00 Эстрада калейдоскопи.
18.10 «Сеҳрли най». Мультфильм.
18.20 «Тинчлик йўлида ҳамкорлик».
18.45 «Олам ва одам».
19.05 «Дунё адабиёти».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистон ва жаҳон».
21.20 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 14-қисм.
22.05 «Ҳамма кўриши шарт...эмас».
23.10 Тавфиқ ал-Ҳаким. «Ғаройиб оқшом». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театри спектаклининг премьераси.
00.20 «Ахборот».
00.45—00.50 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Эълонлар.
18.10 «Даракчи» (рус тилида).
18.20 «Ёрилтош». Мульт-тўплам.
18.45 «Табиат дунёси».
19.05 «Камолот». Ёшлар учун дастур.
19.25, 19.55, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Туризм ҳақида».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Санта-Барбара».
21.45 «Бешинчи ўлчов».
22.05 «Бурч ва масъулият».
22.20 «Дилдаги гаплар».
23.05 «Даракчи» (рус тилида).
23.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.35 «Ёш Индиана Джонс хроникаси». Телесериал.

III

17.55 Янгиликлар.
18.00 «Зорро». Мультфильм. 8-серия.

Россия жамоат телевидениеси.
18.20—21.35

21.35 «Кругозор». Тележурнал.

Россия давлат телевидениеси.
22.00—22.30

22.35 «Минэ». Бадиий фильм.
23.55—00.15 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мульттомоша».
19.05 «Оқибат». Телесериал.
19.45 «Умр баҳори».
20.00 «Мусиқали танаффус».
20.05 «Жаҳон».
20.25 «Намастэ».
20.45 «Қўшиқ умри пойиндор».
21.10 Кинематограф. «Аёл портрети».
22.40 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
23.00 «Спорт-тайм».
23.30 «Инспектор Фрост». Телесериал.

ҚозТВ

6.00 Тонгги дастур.
16.40 «Рўзангиз қабул бўлсин». 16.45 Мультфильм. 17.00 «Таъзим». 17.30 «Келли». Ёшлар учун телесериал. 18.00 «Хит-парад». 18.10 «Гутен абенд!». Немис таҳририятининг кўрсатуви. 18.35 «Круиз». Телеальманах. 18.50 «Ютуқ» салони. «Мегаполис». Телеўйин. 19.00 «Ютуқ» салони. 19.20 «Сифат». 19.35 «Юртдошлар». 20.00 «Даллас». Телесериал. 21.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви. 21.40 «Прессинг». Спорт янгиликлари. 21.50 Телетеатр. 23.20 «Ютуқ» салони.

РЖТ

6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 12.00 15.00, 18.00, 02.05 — Янгиликлар.
9.15, 18.20 «Машъум мерос»». Сериал.
10.00 «Мўъжизалар майдони».
11.00 «Сиҳат-саломатлик».
11.30, 18.30 — «Куйини топинг». Телеўйин.
12.15 «Биргалашиб» дастури.
13.05 «Олтин серия». Евгений Леонов «Ола-була рейс» комедиясида.
14.50 «Киноафиша».
15.20 Мультсериал.
15.45 «Марафон-15».
16.05 «Юлдузли онлар».
16.40 Стивенсон ҳақрамонлари «Ўғирланган» саргузашт фильмида.
17.10 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
17.30 «Оламга саёҳат».
19.05 «Тиғиз пайт».
20.00 Душанба куни Познер билан. «Биз» дастури.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Полтергейст» сериали.
22.45 Ҳужжатли детектив.
23.25 Футбол шарҳи.
23.55 «Кино чизиги». Федерико Феллинининг «Амаркорд» фильми.

РДТ

7.00 «Пиноккионинг саргузаштлари». Мультсериал (АҚШ).
7.15 «Уйғон».
7.30 «Қизил китоб». РДТнинг экологик экспедицияси.
8.00, 00.40 — «Навбатчи қисм».
8.15 «Товарлар — почта орқали».
8.30 «Пуллар».
8.45 «Графоман».
8.55 «Православ тақвими».
9.00 «Аншлаг ва Ко».
10.05, 20.45 — «Санта-Барбара».
11.00, 14.00, 17.00, 20.00, 23.30 — «Вести».
11.30, 22.20 — Евгений Дворжецкий ва Кирилл Козаков «Графиня де Монсоро» телесериалида.
12.30 РДТ телеканалида «Юлдузлар».
13.25, 00.15 — «Миллий манфаат».
14.30 «Қотил қўллари». Детектив фильм.
16.25 «Бэйли Киппер. Видеокундалик». Болалар учун телесериал.
16.55 Мультфильм.
17.30 «Кроссворд».
18.05 Елена Яковлева, Александр Пашутин ва Владимир Стеклов Вадим Абдурашитовнинг «Плюмбум ёки хавфли ўйин» фильмида.
20.30, 24.00 «Тафсилотлар».
21.50 «Довгань-шоу».
00.55 Сув ости турлари бўйича жаҳон чемпионати. Перта шаҳридан (Австралия) кўрсатилади.
01.30 «Автошоу».

ТВ-6

9.05 Мультфильмлар.
9.35 «Севсанг — қара». Видеоклиплар.
10.00, 19.35, 02.40—«Диск-канал».
10.25, 20.10, 02.25—«Йўл назорати».
10.45, 13.45, 16.45—«Дорихона».
11.00, 14.00, 17.00, 20.00, 02.10—«ТСН-6».
11.10 «Ҳафта спорти».
11.50 «ОСП-студия».
12.40 «Вавилон-5». Фантастик сериал. 22-серия.
13.25, 16.30, 18.40— «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
14.10 «ТВ-6» кинотеатри. Жон Войт «Мангулик» мелодрамасида.
17.10 «ТВ-6» кинотеатри. А. Жигарханян, В. Висоцкий, Л. Гурченко «Оппоқ бўлиб портлади» фильмида.
18.30 «Сифат белгиси».
19.05 «Флиппер II». Сериал. 36-серия.
20.25 «Бенни Хилл шоуси».
20.50 Премьера. «Ойижонлар». Ҳажвий сериал. 1-серия.
21.20 «Ҳафта можаролари».
22.00 «Вавилон-5». Фантастик сериал. 23-серия.
23.00 «Шу куннинг янгиликлари».
23.30 «Сиёсий қалам наҳанглари» ток-шоуси. Владимир Лукин.
00.30 «ТВ-6» кинотеатри. Клара Лучко «Ўн иккинчи кеча» комедиясида.

НТВ

8.00, 8.30, 9.00, 9.30, 10.00, 10.30, 11.00, 12.00 — «Бугун эрталаб».
11.05 «Уддабурон Уокер: «Техасча одил суд». (АҚШ).
12.15 «Мени тушун».
12.45 «Тўс-тўполон». Саргузашт сериал.
13.00 Жессика Лэнг, Алек Болдуин, Жон Гудман ва Дайан Лэйн Глен Жорданнинг «Сеғи қиссаси»: «Орзу» трамвайи» фильмида. 1-серия (АҚШ).
14.00, 16.00, 18.00 — «Бугун кундузи».
14.20 «Эски телевизор» эслайди: «Инженер Гариннинг ҳалокати». 6-қисм.
16.20 Кино олами. Майк Рей Рудс. «Фақат бизнинг ўғил эмас». Психологик драма (АҚШ).
18.20 «Сезам кўчаси».
18.50 «Сансет Бич муҳаббати ва сирлари». Сериал. 38-серия.
19.40 «ХХ асрнинг энг катта жиноятлари». Ҳужжатли сериал. 14-серия.
20.20 «Криминал».
20.30 «Футбол клуби».
21.00, 24.00 — «Бугун оқшомда».
21.40 «Шу куннинг қаҳрамони».
22.00 «Кино олами». Энтони Лапалья ва Кевин Поллак Майкл Павоннинг «Буқаламун» жангари фильмида (АҚШ).
00.50 «Жаҳаннамлик шериф». 10-серия.
01.40 «Сегоднячко».
02.15 «Бугун ярим тунда».
02.40 «Синемания: ҳаммаси кино ҳақида».

30 канал

9.05 «ТВ-ҳамкор».
9.25 «Карапуз-ТВ».
10.00 «XL-music».
10.30 Тонгги сериал.
11.00 «Адабиёт дарси». Комедия.
12.45 «Эльдорадо». Телесериал.
13.30 «ТВ-ҳамкор».
13.50 «Баҳор ташвишлари». Комедия.
15.10 «Хит-коктейль».
15.20 Кундузги сериал.
15.50 «Хит-коктейль».
16.05 «Севиш ҳуқуқи». Телесериал. (Бразилия).
17.00 «Карапуз-ТВ».
17.30 «Қўшни қизлар». Ўсмирлар учун сериал (Франция).
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Демпси ва Мейкпис». Саргузашт сериал (Англия).
19.10 «Лабиринт». Телесериал. (Бразилия).
20.00 «ТВ-ҳамкор».
20.20 «Тунги мультик».
20.50 «Алондра». Телесериал (Мексика).
21.20 «Клип-сюрприз».
21.30 «ТВ-ҳамкор».
21.50 «Элиза». Мелодрама.
23.30 «МЭШ госпиталидаги бошоғриқ хизмат». Телесериал (АҚШ).
24.00 «Капитан Фракс». Саргузашт фильм. 1-серия.

СЕШАНБА, 13

I

5.15 «Алишер Навоий». Кўп қисмли видеофильм. 3—4-қисмлар.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Биржа ва банк хабарлари.
8.55 Лирик тароналар.
9.20 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 14-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Зоология.
11.00 География.
11.30 «Рақс, рақс, рақс».
11.50 «Соғлом авлод учун».
12.05 «Олам ва одам».
12.25 «Фунтик ва мўйлабли кампиршо». Мультфильм.
12.35 «Камолот сари».
12.50—14.00 Тавфиқ ал Ҳаким. «Ғаройиб оқшом». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
18.10 «Бўғдойзордаги уйча», «Ғаройиб ов». Мультфильмлар.
18.30 «Қиймат ва қиммат».
18.50 «Чорраҳа».
19.15 «Она бўлақолгин менга табиат».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Зиё сарчашмаси».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
22.00 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 15-қисм.
Дўкон пойтахтимизнинг энг қулай жойидан (М.Ганди кучаси - 34, Ҳамид Олимжон метро бекати) урин олган булиб, савдо залининг узи 200 квадрат метрни ташкил этади. Бу ердаги шарт-шароитларни кўриб кўнглингиз яйрайди. Эътиборли томони шундаки, дўкон проекти ва унинг қурилиши—ҳамма-ҳаммаси мўлжал ва ҳисоб-китоб билан амалга оширилган. Замонавий дизайн, болаларга руҳан ижобий таъсир этувчи символик кўриниш, стеллажлардаги товарларнинг залда қулай жой олганлиги, паст овоздаги лекин ёқимли мусиқа... буларнинг ҳаммаси ташриф буюрганларга ўзгача завқ бағишлайди. 8 ёшгача бўлган болалар ва ота-оналар ҳамда ёш оналар қарийб икки минг сертификатдаги маҳсулотлардан танлаб олишлари мумкин.

Чақалоқлар учун сургич ва чойшабдан тортиб кийим-кечагу рюкзак-халтача, ҳатто болаларнинг автомобилларга ўрнатиладиган махсус креслоларию рисоладагидан кам вазнда, яъни 3 кг дан кам оғирликда туғилган чақалоқлар учун кийим-кечаклар ва эҳтиёж молларини бу ердан ҳар қандай вазиятда топиш мумкин.

Бўлғуси оналар учун бу дукон дунё-дунё орзу ҳавас ва қувонч тақдим этади. Улар ўзларига энг қулай бичимдаги кўйлаклар, юбка ва сарафанлар ҳамда хоҳлаган ўлчамга ўзгартирса буладиган махсус кийимларни танлаб олиш имкониятларига эга.

Мазкур дуконда юқори танловдаги табиий ва даволаш косметикаси булими ҳам кўпчиликка маъқул булмоқда.

Дилноза РАҲМАТОВА.

Спорт • Спорт • Спорт

Оғир атлетика

Самарқанддаги махсус оғир атлетика зали - «Локомотив»да навбатдаги Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Уни ташкил этиш, ўтказиш ва ғолибларнинг соврин ва совғаларини тайёрлашда Самарқанд вилояти оғир атлетика Федерацияси ҳамда кўплаб доимий ташкилотларнинг ҳиссалари катта бўлди. 5 та вазн тоифасида мезбонлар ғолиблик шоҳсупасининг юқори поғонасини забт этишди. Булар 54 кг вазнда «меҳнат ўринбосарлари» спорт жамияти аъзоси халқаро тоифадаги спорт устаси II Марказий Осиё ўйинлари ғолиби Виктор Янский (икки курашда 250 кг), 64 кг вазн тоифасида Абдулло Ибодуллаев (252,5 кг) 70 кгда «Меҳнат ўринбосарлари» спорт жамияти оғир атлетикачиси ХТСУ Шамсиддин Ҳусаинов (290 кг), 76 кгда Аъзам Бозоров (277,5 кг) ва 108 кг вазнлилар бахсида ХТСУ Амри Хўжамов (345 кг)лардир. Қолган вазнларда андижонлик Жаравид Нажмиддинов (54 кгача, икки курашда 200 кг) 83 кгача бўлган вазнда Тошкент вилояти вакили Салим Раҳмонов (305 кг), 91 вазнда тошкентлик Али Азимов (317,5 кг), 99 кгача бўлган вазнлилар ичида Тошкент вилояти спортчиси Александр Уринов (355 кг) ва 108 кгдан юқори вазнда тошкентлик Баҳриддин Эргашев (207 кг)лар биринчи ўринларни қўлга киритишди. 54 кгача бўлган вазнда самарқандлик Ўзбекистон ёшлар биринчилигининг бир неча бор ғолиби 16 ёшли Сухроб Раупов биринчи бўлиб спорт устаси талабини бажарди.

Трамплин

Парижнинг муҳташам кўргазмалар маркази залида бир неча кун давомида трамплин мусобақалари бўлиб ўтди. Клуб жамоалари ўртасида ўтказилаётган 2-Европа кубоги бахсларининг ўтказилиши учун сакизта батут ўрнатилди. Франциялларнинг акробатика, гимнастика, трамплин ва қизиқарли шоу программаларнинг мухлислари эканлиги мусобақалар давомида яққол намоён бўлди.

Икки минг кишилик трибуна мусобақалар тугагунча ҳар куни ишқибозлар билан тўла бўлди. Бахсларда жаҳоннинг 45 клубидан йигилган жами 400 дан зиёд иштирокчилар биринчилик учун беллашдилар. Улар орасида Буюк Британия, Польша, Чехия, Россия, Белоруссия, Бельгия, Швеция, Швейцария каби давлатларнинг маҳоратли спортчилари ҳам бор эди. Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси Николай Журавлев бу сафарда ёшларимизни синаш мақсадида «РОУБЮ» клуби жамоасини Францияга олиб борди. Маълумки, Тошкент РОУБЮ мамлакатимиз батутчиларининг дастлабки тайёрлов базасидир. Юртимиз шарафини аълло мусобақасида халқаро тоифадаги спорт усталари Елена Савельева, Екатерина Хилько ва Согдиана Сатторовалар, эркаклар беллашувида эса Артем Ёқубов, Булат Бакаев, Дилшод Содиқовлар ҳимоя қилишди. Ҳамюртимиз, қитъанинг энг кучли батутчиларидан бири тошкентлик Елена Савельева билан жаҳон кубогининг кумуш медаль соҳиби, Европа чемпиони белоруссиялик Галина Лебедеваларнинг бахси ҳақиқий рақобатга айланиши мумкинлигини ҳакам ва мутахассислар таъкидлашган эди. Бироқ юртдошимизнинг асаблари панд бердими... у узининг мураккаб машқларини охирига етказа олмади ва янглишиб, батутдан учиб кетди. Финалда иштирок этиш унинг учун орзулигича қолаверди ва у 12-уринга тушиб кетди. Жамоамизнинг умиди 15 ёшли Катя Хилькога қаратилди - жамоани бундай «вазиятдан» олиб чиқа олармикин? Катерина уддалади, яна қандай қилиб? Жуда чиройли, ҳар бир мураккаб машқни маҳорат билан бажариб, саккизликдан ўрин олди ва финалда жаҳон чемпиони Лебедевани догда қолдириб, у ўтган 1997 йилни Цюрих очиқ кубогида олтин медаль билан бошлаган эди, мавсумни бундан-да аъло натижалар билан якунлади.

Майдон эгаси Карин Паланис бронза медаль билан қаноатланди. Яна бир ҳамюртимиз ТошДУ геология факультети 3-курс талабаси Согдиана Сатторованинг натижалари ҳам ёмон бўлмади. Финал бахсларига йўлланма олиб, еттинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Йигитларимиз ҳам мураккаб машқларни бажаришда мутахассисларни қойил қолдиришди. Бироқ маҳорат ва тажриба камлиги сабабли юқори натижаларни эгаллай олишмади. Ёқубов - 16чи, Содиқов -17 чи ва Бакаев-19 чи ўринлар билан кифояланишди. Бироқ умумжамоа ҳисобида жамоамиз - РОУБЮ олтинчи ўринни эгаллади.

Спорт гимнастикаси

Новгород шаҳрида бўлиб ўтган «Буюк Новгород» халқаро турнирида ҳамюртимиз оксана Чусовитина муваффақиятли иштирок этиб, сакрашда,брусья ва эркин машқларни бажаришда иккинчи ўринларни эгаллаб, умумий ҳисобда ҳам кумуш медаллар соҳиби бўлди.

37 ёшли Юрий Ковалёвнинг спортга қайтиши ҳам муваффақиятли бўлди. 1985-87 йилларнинг жаҳон чемпиони 8 йиллик танаффусдан кейин 40000 АҚШ доллари мукофот жамғармали мусобақада ҳалқалардаги машқларда иккинчи ўринни Игорь Иванов билан бўлишиб олди. Энди у АҚШдаги профессионал турнирларда иштирок этиш ниятида. Россия терма жамоаси тренери Леонид Аркаев Сиднейдаги Россия терма жамоаси сардори бўлиши мумкин бўлган Анна Ковалёванинг ғалабасини юқори баҳолади. Ковалёва сакраш ва бревнода биринчи ўринни эгаллади.

Кикбоксинг

Москвадаги мўҳташам «Крылья Советов» спорт мажмуида ВАКО версияси бўйича 12-раундли профессионаллар жанги ўтказилди. Унда профессионаллар ичида икки карра жаҳон чемпиони Дмитрий Постнов, уч карра жаҳон чемпиони Олмос Гислиев, уч карра Евроосиё чемпиони Мербек Суюнбоев ва жаҳон чемпиони Гордон Майнорс каби ўта кучли кикбоксинг усталари иштирок этишди(Мусобақалар лоу-кик контактида 54,5 кг вазнда ва фулл-контактда 81,4 ва 91 дан юқори тоифаларида жаҳон чемпиони камари учун ўтказилди. 54,5 кг вазнда лоу-кик контакти ВАКО бўйича Европа чемпиони 27 ёшли Англия спортчиси Джон Кинтон ҳакамларнинг бир овозли қарорига биноан уч карра Евроосиё чемпиони, қиргизистонлик Мербек Суюнбосвни мағлубиятга учратди.

Фулл-контакт бўйича 81,4 кг вазнли спортчилар бахсида Россия вакили 24 ёшли Дмитрий Постнов рақиби 2 карра Европа чемпиони 28 ёшли англиялик спортчи Ли Трефол билан бўлган жангда уни накаутга учратиб, узининг унвонини яна бир бор эъзозлаб олди ва учинчи бор жаҳон чемпионлигига кўтарилди.

91 кгдан юқори вазнда фулл-контактда 34 ёшли россиялик Олмос Гислиев ва 30 ёшли Буюк Британия вакили Гордон Майнорслар камар учун беллашдилар. Биринчи раунднинг узидаёқ Олмос Гордонни нокдаунга учратди, сўнгра яна бир неча бор «ер тишлатди» ва ниҳоят бошига тўғри зарба бериб накаут қилди. Мусобақадан сўнг Олмос Гисмеев бу бахс ҳақидаги энг оғир жанг бўлганини очиқ айтди.

Дониёр ЮСУПОВ

Истеъмолчи манфаати — муқаддас

ХАРИДОР ПУЛИ–ҲАЛОЛ ПУЛ

Саноат шаҳарларидан бири бўлган Олмалиқда бугунги кунда 122 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Аҳолининг ҳар кунги таъминоти асосан бозорлар билан боғланганлиги шаҳардаги «Марказий», «Ойдин» бозорлари расталари ёнидаги турли ёшдаги, турли қуринишдаги кишиларнинг куймаланиб юришларида кўриниб туради.

Пештахта ортида ўз молини таърифлаб савдо қилаётган кишилар ҳам бир-бирларидан бўш келмасликка ҳаракат қилиб, ранг-баранг безатилган маҳсулотларини кўз-кўз қилаяптилар. Ана шу хилма-хил рангда товланаётган неъматларнинг сифати қандай? У бугунги куннинг нозик дидли харидорининг талабларига жавоб бера оладими?

«Марказий» бозорда савдо қилаётган ўспирин эътиборимизни тортди. Маълум бўлишича, Ўктам Фозиловнинг қўлида сомсани маълум ўлчовда тайёрлаш меъёрлари ва белгиланган нархда сотиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат, ҳамда унинг тиббиёт кўригидан ўтганлиги ҳақида маълумотнома йўқ экан. Донаси 25 сўмдан сотилаётган бу неъматларнинг санитария ҳолатлари аниқланмаган, ҳамда меҳнат фаолиятига рухсат берувчи ҳужжати бўлмаган сотувчидан узоқ-яқиндан келган кишилар сомса харид қилмоқдалар.

Кейинги вақтларда сифатсиз спиртли ичимликлардан заҳарланиш ҳоллари ҳақида ташвишли гаплар айтила бошлагани биринчи навбатда савдо аҳлини ташвишлантириши керак бўлади. Худди ана шу бепарволик оқибатида чиройли шишалар, турли рангда товланиб, ичимлик номларини билдириб турувчи елимқоғозлари булган, тижоратчилар қулидаги чет эл ичимликларининг савдоси ишончини йўқотди, яхши юришмай қолган. Шундай булса ҳам пул ишлаш мақсадида одамларни заҳарлашдан тап тортмайдиган кимсалар афсус ҳали ҳам учраб турибди. «Ал Жамшид» фирмасига қарашли дўкон спиртли ичимликларни сотишга мўлжалланган. Ўтказилган текширишларда 240 шиша «Ўзбекистон» виноси сифат сертификатисиз сотилаётганлиги аниқланди. Сотувчи Гайрат Нишонов сифат қоғози сўралганида 75-сонли юк хатидан бошқа ҳужжат кўрсата олмади. Шунингдек, «Ойдин» бозорида Марҳамат Жўраевага қарашли сифат ёрлиғи бўлмаган спиртли ичимликлар мусодара қилинди. Ачинарли томони шундаки харидорлар ҳеч нарсани гумон қилмасдан бу нарсаларни сотиб олишмоқда.

Маълумки, ҳукуматимиз томонидан ун, ёг, шакар, болалар овқатлари сингари маҳсулотларнинг бозорларда сотилиши тақиқланган. Қонунни бузган кишиларга нисбатан чоралар белгиланган. Бундан тегишли хулоса чиқармаган айрим кишилар бозори чаққон бўлиб турган вақтларида солиқ ходимлари томонидан савдолари тўхтатилиб қўйилиб, Дилмурод Султонов ва Ёқубали Қулматовларнинг сотиб улгурмаган ўсимлик ёғлари мусодара қилинди. Тузилган далолатномалар шаҳар халқ судига ўтказилди.

Инсон саломатлиги энг бебаҳо бойлик, хазина ҳисобланади. Одамзот баъзан касталикларга учраганида ўзининг ҳамма имкониятларини ишга солиб, соғлигини тиклаш ҳаракатида бўлади, турли дорилармонларни қидириб қолади. Шаҳардаги 99-сон дўконнинг сотувчиси белгиланмаган жойда дори-дармон билан савдо қилиб турган вақтида савдоси тўхтатилиб, дорилармонлар махсус жойларда, маълум ҳарорат ва ёруғликда сақланишига амал қилиш кераклиги уқтирилди. «Олмалиқсавдо» бирлашмасига қарашли 4-дўкон сотувчиси Марҳамат Зокирова 710 сўм камомад билан рейд гуруҳи ходимларига танилиб қолди.

Олмалиқ шаҳар солиқ инспекцияси томонидан ўтган йилда жойларда 107 марта рейдлар ўтказилиб, 1536 нафар якка тартибда меҳнат қилувчиларнинг ишлари кўрикдан ўтказилди. Ўтган вақт мобайнида фақат 1198 нафар қоидабузар аниқланиб, шуларнинг ўзидан 1313,9 минг сўмлик маъмурий жарима ундирилди ва акциз солигига қўшимча равишда 2967 минг сум маблағ ундирилди. Шундай бўлиши шартмиди? Улар ўз касби, фаолиятига алоқадор қонуний ҳужжатлардан бехабармикан? Албатта хабардор. Хабардор бола туриб бундай воқеалар устидан тузилган далолатномалар асосида катта миқдорда жарима тўлайдилар, кимларнингдир иши халқ судига оширилади, кимларнингдир моллари мусодара қилинади.

Харидорнинг пули ҳалол пул. Пешона тери эвазига топилган пул. Бунга хиёнат қилиш ҳеч кимга яхшилик келтирмайди. Бундан ташқари тозаликни, тартиб-интизомни, саришталикни муҳофаза қилувчи санитария эпидемиология станцияси ходимлари ҳам бундай нуқсонларга вақтида ўз муносабатларини билдириб турсалар яхши бўлар эди.

Юқорида санаб ўтилган воқеаларнинг ҳаммаси ҳали айрим одамларимизда манавият етук даражада эмаслигини билдиради. Фақаттина ўз ҳамёнини ўйлаб, кингир ишлардан ҳам қайтмайдиган айрим кишилар ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни давр талаб қилганидай янада такомиллаштириш заруриятини бугунги ҳаётимиз билдираяпти. Мамлакатимиз Президенти И.Каримов юртимизда бойлар кўпайсин, деган сузлари билан ҳалол пул топувчи саховатли, мурувватли, атрофидаги кишиларга меҳрибон бўлган бойлар ҳақида тўхталган.

Пўлат ШАРОФХОНОВ,
Зокир ЖУРСУНБОЕВ,
«Олмалиқ шаҳар ДСИ ходимлари,
Темур ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

...Артур ГРИГОРЯН уқувчилар даврасида... Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

Мамлакатлар, одамлар, одатлар

МАТЕ–ҲУЗУРБАХШ НЕЪМАТ

Ҳозирга қадар дунёда чой ичмайдиган халқ бўлмаса керак, деган фикр халқ орасида ҳукм суриб келарди. Энди маълум бўлишича, Жанубий Америкадаги Парагвай халқи сира чой ичмас экан. Уларда чой ва кофе ўрнини босадиган бошқа ичимлик мавжуд экан. У -Парагвай чангалзорларида мате деб аталувчи бир дарахт бўлиб, унинг барглари қалин ва тўқ яшил. Таркибидан чой, кофе, какаоли моддалар ўрнини босувчи оромбахш ичимлик тайёрланади, барглари териб олиниб сояда бир неча кун қуритилгач, уқалаб қайноқ сувга солинади. Бу неъмат қора чойдан ҳам қуюқроқ ва аччиқроқ шира ҳосил қилади, уни сузиб калибассе (қумғонга ўхшаш идиш) деб аталувчи идишга қуйилади. Чойнак вазифасини ўтайдиган мазкур идиш ичи бўш ёғоч ёки қовоқдан ясалади. Мате ширраси пиёла ёки стаканларда ичилса, таркибидаги айрим моддалар буғ билан ҳавога кўтарилиб, бемаза бўлиб қолар эмиш. Шунинг учун калибассе ўртага қўйилиб, қамишдан ясалган найчалар орқали, худди суюқ мусқаймоқ ва коктейл ичгандай сўриб ичилади. Найчадан мате ичган одамнинг юзларида табассум пайдо бўлиб, ҳузур қилганлиги билиниб туради. Уни тотиб кўрганларнинг айтишларича, мате асабларга ором беради.

Парагвайликларда меҳнатдан сўнгги ҳақиқий дам олиш бизникидан бошқачароқ: қуёш ботиши билан дўст-ўртоқлар шовқин-суронли ҳудуддан четроқда, урмонларда ёки далаларда мате қайнатиб, калибассе идишининг атрофида ўтириб оладилар. Кимдир гитарада куй янгратади, яна кимдир севимли ичимликдан ҳўплаб-ҳўплаб ашула айтади. Дам олиш шу тариқа давом этиб 1,5-2 соатдан сўнг ҳамма тарқалади.

Матени парагвайликлар биз чой ичганимиз сингари эрталаб, тушда, кечқурун ишдан бўш вақтларида, ҳатто ётар пайтда - уйқудан олдин ҳам ичаверадилар.

ТОҒДАГИ ҲОДИСА

(Воқеий ҳикоя)

Чотқол тоғининг қорли чўққиларидан бошланган Олабуқа сойи Урикли қишлоғи юқорисидаги адирликлар билан ураланган ўтлоқнинг ўртасидан ўтади. Баҳорда бу ерларга чорвадорлар ва асаларичилар кўчиб келиб, кеч кузда қайтишади. Кўчманчи чорвадорлардан бири - новча, озғин юзли, боқишлари уйчан, ёшги олтмишларни қоралаб қолган киши - Жанабойни атроф қишлоқдагилар табиб сифатида яхши танишади.

Ушанда, 1984 йилнинг айни ёз кунларидан бирида суришгириб Жанашбойининг қуналғасига бордим. Сурув қамалган қўра ёнидаги қуналғага жой қилиб берди. Бетона жойда, қолаверса, тогда, бир томонда тошдан-тошга урилиб оқаётган сой сувининг бир маромда шовуллашидан туни билан кўз юммадим.

Учинчи кунги муолажадан кейин кўзим уйқуга кетиб кун пешинидан ўтганда уйғондим. Қарасам, ўнг томонимда бир метрлар чамаси нарида олачипор тоғ илони ердан тикка кўтарилган ҳолда тилини чиқариб, ўлжасига ташланишга ҳозирлик кўргандек тебраниб турибди. Назаримда озгина қимирласам ўша замон ташланадиган кўринади. Бир зум қарахт бўлиб қолдим, нима қилиш ҳақида бирор қарорга келишни уйлайдиган фурсат эмас, қаршилик кўрсатишга ҳам ожизман.

Илон секин мен томон кела бошлади. Оёқ-қўлларим бўшашиб кетди, аъзойи-баданим жимирлаб, сочларим тикка булиб, узимни ожиз ҳис этарканман, орадаги масофа тобора қисқариб борарди. Шунда Аллоҳ каломи «Фотиҳа» ва «Ихлос» сураларини оятларини бор овозда қироат қилишга тушдим.

Илон бошини ерга эгиб атиги уч-тўрт қарич нарида тухтаб қолди. Қироатни тугатарканман, шундан сўнг илон тилчасини чиқариб секин ўрнидан қўзгалди ва орқасига бурилди, мен анча енгил тортдим. Сал юргач яна орқасига қайтиб мен томон кела бошлади. Қурён оятларини қайта ўқишга киришдим. Яна олдинги ҳолат: илон тухтаб қулоқ солди. Илон қайтиб секин паст томонга, мен ётган тўшакларга қатига кириб кўздан ғойиб булди.

Бугун вужудим музлаб кетди. Хаёлимда ҳозир у кўрпа орасидан келиб, оёгимга заҳар тўпланган кичкина, ўткир тишларини босади, шу билан баданимдаги ғуборлардан фориғ буламан, ёки... Вақт ўтяпти, мен эса ўрнимдан қимирлашга ҳолим йўқлигидан оёгимни тортишга, ўзимни четга олишга қодир эмасман. Ҳамон е илон кўринмайди, е кўрпа орасида қарахт ҳолда ётган оёгимга тегмайди. Беҳол ётарканман қанча вақт ўтганини билмайман, бир вақт илон кўрпанинг иккинчи томонида кўринганда жон ўзимники бўлди. Илон секин ун тўлдирилган қоп орқасидан палатканинг қайтарилган учлари бўйлаб пастликка,сой томонга йўл олди.

-Келақол,томоқ пишди,- деб чақирди Жанашбой,— совиб қолмасин.

Жанашбой дастурхон тузаб,мени кутиб ўтирарди,нарида қўйлар қамалган симдеворлар ёнида икки ўғилчаси уймалашиб юрарди.

-Ота нима қилай,куймайми?- деди шу пайт ўғилларидан бири.

-Нимани?-сурадим Жанишбойдан.

-Илон ўлдирганди,шуни айтяпти,-деди-да,-куйдирдингми?-суради ўғлидан.

-Йўқ,йўқ,куйдирмасин,ҳидини олиб қасд олгани ҳамроҳи келади,-дедим шошилиб,-сойга ташлаб юборсин.

Жанашбойга илон воқеасини айтганимда,у сени Аллоҳ узи асрабди,тоғ илонлари заҳарли бўлади,энди ёнимда ётавер,билиб бўладими,деб қўйди.

Эртаси тонгда у ўғиллари билан сурувни ўтлоққа ҳайдаб,кун қиёмга келганда қайтди. Кейин ҳар кунгидек муолажани бошлади. Малҳам кучлилигидан бўшашиб уйқуга кетибман. Бир маҳал уйғонсам, не кўз билан кўрайки, ҳудди кечагига ўхшаган бир илон чан томонимдаги катта оқ табоқ устида ярмигача тикка бўлиб, тебранганча тилини чиқариб турарди. Бу илон ҳамроҳининг қасдини олгани келганини ҳис этарканман, гарчи ҳозир кулгили туюлса-да, мен унга шундай деб хитоб қилдим:

- Ҳамроҳингни мен ўлдирганим йўқ.

Илон турган жойида тилини чиқариб, бир маромда тебранарди. Орадан кўп утмай у секин табоқ устидан сирғалиб туша бошлади. Дарҳол овоз чиқариб Аллоҳнинг муқаддас каломини қироат қилдим. Қироатдан сўнг илон секин бурилиб келган изи билан судралиб олдин қон орқасига ўтди, кейин бир кун бурун ҳамроҳи юрган жойдан сой томонга урмалаб кетди...

Хаёлан отамнинг ҳали мактабга бормаган кезларимда кечалари уй ўртасида кичик гулхан ёқиб атрофида исиниб (ушанда электр чироғи йўқ эди) ўтирганимизда бизга зинҳор ҳеч кимга айтмаслигимизни қайта-қайта тайинлаб, Қурён оятларини ўргатганларини, Қурён оятлари қисқа ва мўъжаз булишига қарамай уларни дилига жо қилган кишиларни ҳар қандай бало-қазолардан асраш қудратига эгалигини уқдирганларини эсладим.

Тожиддин ИНОМХОНОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари
Чуст тумани касаба уюшмаси қўмитаси раисининг ўринбосари

САБР ҚИЛСАНГ...

Узоқ йил умр суриб, қилди-комати ёйдек букилган бир киши ҳассасига таяниб борарди. Бир ёш йигит чолни масхара қилгандай булиб айтди:

- Бобожон, бу ёйни қаердан ва неча пулга олдингиз, мен ҳам шундай ёйни сотиб олмоқчиман, - деди. Чол бобо кулиб:

- Ойпоқ ўғлим, ҳали ёпсан, бундай ёйни сенга сотмайдилар, сабр қилсанг, менинг ёшимга ётган вақтингда сенга ҳам текинга келтириб берадилар,- деди.

ҲОЗИРЖАВОБЛИК

Бир кичик бола нон дуконига бориб сотувчига:

- Амаки, 20 тийинлик нон тортиб беринг,- деб суради.

Сотувчи нон тортиб унинг кўлига берди. Бола нонинг кам тортилганини сезиб, сотувчига:

- Амаки, берган нонингиз кам-ку? деган эди, сотувчи хумрайиб:

- Қандай тирмизак болсан, олиб кетавер, юкинг енгил булади,- деб дук урди. Бола нонни олиб сотувчига беш тийин кам тулаб, чиқиб кета бошлади. Сотувчи пулни санаб:

- Хай тирмизак, тухта, беш тийин кам-ку,- деб кичкирганди, бола:

- Амаки, куп бакирманг, берган пулимни олиб қолаверинг, чўнтагингиз енгил булади,- деб дарров чиқиб кетди.

Тоҳиржон АЗИМОВ
тайёрлади

Халқ табобати ва тиббиёт

ГУЛИ ҲАМ, ТИКОНИ ҲАМ ДАВО

Бойсунлик Маҳмуджон Қосимов қарийб 11 йилдирки, туман марказий шифохонасида ҳаким бўлиб хизмат қилади. У гоҳида уйлаб қолади: «Ахир, биз тоғли туманда яшасак, боз устига дори-дармон тайёрлайдиган шифобахш гиёҳларнинг бари шу ерда бўлса. Тўғридан-тўғри кимёвий дори-дармонлардан фойдаланғандан кўра табиий имкониятларни ишга солсак, бизга нима монелик қилади?»

М. Қосимов бир куни марказий шифохона бош ҳакимига кўнглидаги истагини билдирди. Бу таклиф унга маъқул тушгач, шундай деди:

— Ҳўп биз-ку сизга халқ табобати бўлимини ташкил этиб берамиз, аммо масъулиятингиз икки-уч баробар ошишини ҳам эддан чиқарманг! Зарур гиёҳларни излаб топишда узингиз бош-қош бўласиз.

Мана бугун М. Қосимов Бойсун тумани Марказий шифохонаси таркибидаги «Армед» халқ табобати бўлими бошлиги сифатида фаолият кўрсатмоқда. У 1991 йил Москва шаҳрида халқ табобати бўйича ўз малакасини ошириб келди.

— Ўша собиқ Иттифоқ даврида ҳам Москвада шифобахш гиёҳлар билан даволаш кенг йўлга қўйилган эди. Аммо бу ноёб гиёҳлар ёнимизда бўлса-да, ундан бенасиб қолаётганимизни кўриб, русий забон огаларимиздан анча кўнглим қолганди. Чунки бизнинг илмий-текшириш институтларимиз ҳодимлари шу ўт-ўланларни ҳар ҳафта ҳам ёнларидан пул сарфлаб, уларга етказиб бераркан, — дейди у.

М. Қосимов тез орада бу усулларни Бойсунда ҳам қўллай бошлади. Ҳатто, тумандаги шифо маскани «Омонхона»нинг сирларини ўрганишга киришди. Сўнг «Омонхона сирлари» деб номланган китобини нашр қилдирди. Китобни қўшни вилоят ва республикалардан шифо истаб келган беморлар олиб кетишаверди. Шундан сўнг бирин-кетин Маҳмуджонни йўқловчилар кўпая бошлади.

Узи ҳаким бўлган бу йигитнинг иш столида мош, ловия ва турли гиёҳлар, ҳатто тиканлар турганлигини кўриб, буларнинг касалга шифо берувчи хусусиятлари бормикан? — деганимизда у кулиб деди:

— Мабодаким, даволовчи ҳаким ташхисни қўйса, ҳатто зовурларда ўсадиган аҳриқларнинг ҳам ўзига яраша шифобахш хусусиятлари бор.

— Жигарим санчиб оғрир эди. Аввал уч-турт бор металл ҳам қўйиб кўрди. Сўнг Маҳмуджон тиконларни қўлимга қадаб чиқди. Натижаси иккинчи бор тикон қўйилганда сезилди. Ҳозир бу касалликлардан тўлиқ фориғ бўлдим, — дейди бемор Акбар Носимов.

— Бизлар Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидан келганмиз, —дея суҳбатимизга қўшилди узини Санобар Пулатова деб таништирган аёл. — Бир гал қўшнимиз Акбар Ражабов шу йигитга келиб даволаниб, шифо топганини, буйрагидаги тошларни тиғсиз тушириб юборганини айтиб қолди. Ҳозир анча тетикман. Натижа яхши. Тўлиқ дарддан халос бўлишим учун уч маротаба даволанишим керак экан.

Халқ табобати усулида беморлар бор-йўғи 10 кун мобайнида даволанадилар.. Шифохонанинг яна бир қулай томони, у очиқ тоғда жойлашган. Тоғнинг хушҳаво табиатининг ўзи ҳам танга шифо бахш этади. Чунки бу ерларга қўёш кам тушади. Шифохона ҳовлиси қалин дов-дарахтлар билан қопланган.

Ҳозир табобат ҳақида баъзан яхши, баъзан ёмон гаплар бўлаяпти, шунинг учун ҳеч бир ўринда умид қилманг», — деди. Ахир, мен ўрин олиш учун келмаган эдим. Агар ишонсангиз. Москвадай катта шаҳарда халқ табобатига узоқча ишонч ва эътибор билан қарайдилар. Нега бизда ҳанузгача гоҳ ишониб, гоҳ ишонишмайди? М. Қосимовнинг сўзларини тинглар эканман ҳанузгача бизда табобатга кўпчилик панжара орасидан қараётганлигининг гувоҳи бўлдим. Бугун мен сизга унинг афзалликларини сўзлаб ўтирмайман. Зеро бобомиз буюк ҳаким Абу Али ибн Синонинг тажрибаларини эслашнинг ўзи кифоя қилади.

Рустам ДАВЛАТ.

Диққат: янги рукн:

Мен Ватанга нима бераяпман!

Мана янги - 1998 йил бошланди. Газетамиз ижодий жамоаси ҳам 1997 йилни ёмон якунлашмади. Бултур газета саҳифаларида кўплаб янги рукнлар пайдо бўлди. Ижодий жамоамизнинг Оила йилидаги режалари ҳам катта.

Бугун янги рукнларимиздан бирини Сизларнинг ҳукмингизга ҳавола қилаётирмиз. Рукнимизни «Мен Ватанга нима бераяпман?» — деб атадик.

...«Бухоро-Қарши» ёки «Қарши-Бухоро» йўналиши бўйича катта автотрассадан юрганмисиз. Юрган бўлсангиз Муборак газни қайта ишлаш заводига етмасдан кўзингиз йўл ёқасидаги 20 дан ортиқ панноларга тушади. Эътибор қилган бўлсангиз ана шу панноларга чиройли бўёқлар билан кишиларни яхши яшашга ва меҳнатга чорловчи доно фикрлар, ҳикматлар, ёзиб қўйилган. Заводга қайрилишдаги катта темир паннога «Мен Ватанга нима бераяпман» деган сўз ҳар кимнинг эътиборини тортади. Бундоқ ўйлаб қарасак ушбу бир сиқим сўз замирида жуда катта маъно ётганлигини тушунамиз.

Мухбиримиз А. Самариддинов Муборак газни қайта ишлаш заводида бўлиб, ушбу сўзнинг ижодкорларини сўраб-суриштирди. Билсак, завод директори Нуриддин ака Зайниевнинг ўзи экан. Шу сўз бизга даъват бўлди ва рукнимизни шундай номладик ҳамда илк бор мазкур рукн остида Муборак газни қайта ишлаш заводи директори Нуриддин Зайниевнинг мақоласини беришини лозим деб топдик. Янги рукнимиз доимий рукнларимиздан бири бўлиб қолишига шак-шубҳа йўқ, албатта.

ТАҲРИРИЯТ.

...Завод маъмурияти бежизга мазкур газетага ҳомийлик қилишни ўз зиммасига олгани йўқ. Жамоамиз, шахсан ўзим ҳам мазкур газетанинг ҳар бир сонини интиқиб кутамиз. Чунки газетада ўқишли материаллар қўплаб берилади. Ҳар бир мақолада нимадир бор. Муҳими шу куннинг руҳи сезилиб туради. Газета айниқса, сўнгги йилларда оммавийлашиб кетди. Бу албатта, бежизга эмас. Гоҳида ишчи-хизматчиларимиз ҳам шу газетада берилаётган мақолалар, янгиликлар хусусида фикр билдириб қолишади. Бўлмаса, уларни биров мажбур қилмайдику. Менга айниқса, газетада йилдан йилга янги-янги рукнлар очилаётганлиги маъқул. Рукнларнинг доимийлигини ҳам кузатиб бораман.

Газетада янги йилдан бошлаб «Мен Ватанга нима бераяпман» рукни ташкил этилиб, илк бор менинг фикр-мулоҳазаларим берилаётганлиги зиммамга юксак масъулият юклайди. Иккинчидан, газетанинг ижодий жамоаси заводимизга кираверишдаги паннода ёзилган бир сиқим сўз орқали янги рукн очганлигидан беҳад хурсандман. Чунки, ушбу сўз замирида ҳақиқатан ҳам катта маъно ётибди. Гоҳида ўзим ҳам ушбу сўзга жавоб беришга ожизлик қиламан.

Дилимдагини тилимга чиқарадиган бўлсам, мана мустақилликка эришганимизга олти йил бўлаяпти. Мамлакатимиз олдингидек Москвага ҳисобот бермайди. Ўзи мустақил. Мустақиллик туфайли ҳаётимизда туб ўзгаришлар бўлаяпти. Миллий қадриятларимиз тикланаётир. Халқимизнинг мулкка, ерга бўлган муносабатлари ижобий томонга ўзгармоқда. Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан халқимизга кўрсатилаётган ғамхўрликларни айтмайсизми? Буларнинг ҳаммасини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси Ватан туйғуси билан яшайди. Ватанга содиқлик, меҳр-муҳаббат ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчига айланган. Чунки мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг меҳнат қилиши, яшаши, дам олиши, инсонийлик ҳуқуқи қонун йўли билан кафолатланган. Конституциямиз ҳам инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилади. Хўш, бизда давлат нима , у кимники? Давлат бу - халқ. Халқнинг ўзи давлатни бошқаради. Мулк ҳам, ер ҳам халққа эркин тарзда бериб қўйилган. Мушчи ёки раҳбар эрталабдан мен бугун нима иш қилишим керак деб ўз ишини режалаштириб олса ва эрталабки режасига амал қилса, унда ишчи ҳам, раҳбар ҳам эртанги кунга, келажакка ишончи ортиб бораверади. Янгилик ва ташаббус ҳам шунда пайдо бўлади-да. Кўпинча биз давлатдан кўпроқ нарса олсак-да, давлатга ҳеч вақо бермасликка одатланиб ҳам қолганмиз.



Гоҳида тоғни урса талқон қилгудек ёшларнинг тижорат ишларига берилиб, шаҳарма-шаҳар, бозорма-бозор юрганини кўриб ачинасан киши. Унинг ҳаёлида Ватани ҳам, давлат ҳам пул-маблағ орттириш. Айримлари пулинг бўлса Ватанинг ҳам, давлатинг ҳам бўлади, дейди, рўй-рост. Ушандай йигит-қизларда на иш жойи бор, на касб бор. Виждонини жиғилдонга айлантирган. Ёшлар тарбияси билан шуғулланувчи мутасадди ташкилотлар раҳбарлари йиғин ва мажлисларда ёшлар келажагимиз, хайрли ишларимиз давомчилари дейишиб, аравани қуруқ олиб қочишдан нарига ўтишмайди. Шу боисдан ҳам дала ва фермаларимизда ёши анчага бориб қолган қарияларни ишлаётганлигининг гувоҳи бўласиз.

Менимча ҳар бир киши ўзи қилаётган ишдан ўзи қониқиш ҳосил қилиши керак. Узингиз уйланг ўзи қониқмаган ишдан бошқа бир киши қониқадими? Инсон ҳар куни ўзи бажарган ишни кечқурун сарҳисоб этиб, эртанги кун режасини белгилаб олгани маъқул. Ушанда у рўзғорига ҳам, жамиятга ҳам фойда келтиради.

Мисол учун шахсан ўзим ишим кўплигидан кечалари ухлай олмайман. Чунки, раҳбарман. Заводда 2000 дан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг ҳар бири ҳақида қайғуришим керак. Чунки улар завод шарафи учун меҳнат қилишаяпти. Шундай бўлгач мен раҳбар сифатида ишчининг ижтимоий ҳимояси, унинг оиласини тақдири, рўзғори бутлиги хусусида уйлашим кераким. Керак. Эрталаб ишга келиб, ҳонадан чиқмай кечқурун ишдан қайтсам ҳам бўлади-ку? Бироқ виждоним бунга йўл бермайди. Агар раҳбар ўз ишига лаёқатсиз бўлса, ўша ташкилотнинг охири вой. Шу боисдан ҳам кўплаб ташкилот ва корхоналар банкротга учраб, тугаб қетмоқда. Ношуд раҳбарларнинг айби билан қанчадан-қанча киши ишсиз қолмоқда. Рўзғорларида тинчлик йўқолиб, турли кўнгилсиз ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётир.

Жоиз бўлса, яқинда хизмат юзасидан Японияда 22 кун бўлиб қайтдим. Бир нарса ҳамон эсимда. Японлар билан танишганимда Президентимиз ва Узбекистоннинг келажаги ҳақида улар илиқ гапларни айтишди. Ушанда қувончим ичимга сиғмай кетди. Чунки, чет элда туриб Президентимиз ва Узбекистонимиз ҳақида илиқ гапларни эшитишнинг ўзи катта воқеа. Японлар тан олаётган мамлакатнинг оддий фуқароси эканлигимдан фахрландим. Инсон учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Хуллас, биз Ватанимизга қанчалик хизмат қилсак, шунчалик оз. Ватанни севмоқ иймондандир деб халқимиз бежизга айтмайди.





Қор ёғар, қор ёғар ҳисларим мисол...

Далага ястанди қалин, оппоқ қор...
Кенгликлар сукутда, борлиқ уйқуда.
Гўё бедорликни қилгандек инкор,
Мудроқлик бор ҳатто ҳар бир туйғуда.

Узоқ-узоқларда кўринар қишлоқ,
Барин ҳовуридан жимирлар осмон.
Бўғотлар, дарахтлар, томлари оппоқ,
Қишлоққа қор ёғар оппоқ, зарсимон.

Қор ёғар, қор ёғар ҳисларим мисол,
Парда ташлагандек қалбим кўзига.
Парданинг ортидан мўралар висол,
Тураман тушунмай унинг сўзига.

Қор эса ёғади, ёғади фақат,
Хотиралар каби ётади қат-қат.
Узоқ-узоқларда кўринар қишлоқ,
Бўғотлар, дарахтлар, томлари оппоқ...

Нодира РАШИДОВА







Дилҳуши машқлар (1 2 3 4 — диаграммалар қўйилади)

Акс эттирилган тўрт масаланинг ҳаммасида ҳам оқлар бошлаб уч юришда мот қилади.

Фил суриб, от ўйнатиб

ШАХМАТ ВА ТАБОБАТ

(Давоми. Боши аввалги сонларда)

Шахмат ўйинининг шундай тури борки, унда ўйновчи киши тахтадаги ҳона ва доналарни қўрмайди. Бундай ўйинда шахматчи бир неча соат давомида ўз тафаккури, диққат — эътиборини бир жойга тўплаб, ўткир хотираси билан ҳар қандай томошабинни ҳам лол қолдиради. Бундай ўйин пайтида шахмат тахтаси ва доналардан фойдаланмайдиган роҳиб фақат ўз хотирасига таяниб, иш қурали-юришларни аниқ тасаввур қилади. Мураккаб ҳисобларни фикран юритади. У тахта ёнида ўтирган роҳибини ҳар бир юришга огзаки яъни шахмат алифбоси ёрдамида жавоб бериб туради.

Яхши хотира тахтага қарамай ўйнашнинг асоси ҳисобланса-да, лекин бу билангина иш битмайди. Хотирадан ташқари шахматчи «жанг майдони»ни аниқ тасаввур эта билиши ва доналар ҳаракати туфайли тез ўзгариб турадиган «манзара»ларни ўз тафаккури билан изчил кузатиб бориши керак.

Баъзан шахматчи бир вақтнинг ўзида бир эмас ўнлаб партияни қўрмай ўйнайди. Тахтага қарамай ўйнашнинг ҳам тарихи узоқ. Ас-Сумий 1000 йил бурун ёзган китобида: «Ҳажжож қамоқхонада саҳоба Саид ибн Ҳубайр шатранж ўйнарди. Ўйнаганда ҳам зоҳирона эмас балки ғойибона тахтага қарамасдан ўйнарди» — дер экан бунга далиллар келтиради. Жубайрнинг VII асрда ўтган шахс эканлиги назарда тутилса, ғойибона ўйинининг тарихи нақадар узоқлиги ойдинлашади.

1266 йилда Буҳеха деган киши Италиянинг учта энг кучли шахматчиси билан бир варакайига ўйнаган. Шулардан иккитасини ғойибона тарзда ютган.

Урта Осиё шахмат рисоласини яратган Темур даврида тенги бўлмаган шахматчи Али Шатранжий ҳам бир йўла турта тахтада қарамасдан ўйнай олган. Буюк Алишер Навоий қўлида хизмат қилган шоир ва олим Мавлоно Соҳиб жуда моҳир шатранжчи бўлган. У тахтага қарамай ҳам яхши ўйнай олган XVIII асрнинг ўрталарида яшаган энг зўр шахматчи ва машҳур мусиқачи француз А. Филидор ҳам қўрмай ўйнаш бобида ҳаммани ҳайратда қолдирган. Унинг 1788 йили Лондонда бир варакайига учта тахтада ўйнаган партиялари сақланиб қолган. У учовида ҳам ютиб чиққан. Америкалик Б. Марфи бир вақтнинг ўзида саккизта тахтада «қўрмай» сеанс бера олган. Шундай сеанслардан бири 1858 йили Парижлаги машҳур «Режанс» кафесида ўтказилиб, ўн соатдан кўпроқ давом этган. У олти ўйинни ютиб фақат иккитасини дуранг қилган. Юлий Цезарь эришган ғалабасини: «Келдим, қўрдим, енгдим» — деб қўяқолган бўлса, Морфининг замондошлари лол бўлиб: «Келди, қурмади, енгди» — дейишган.

Рус шахмат мактабининг асосчиларидан бири М. И. Чигорин ҳам кўп марталаб 8 — 9 тахтада сеанслар берган. Бундай сеанслар пайтида мия жуда тез чарчайди. Масалан 1892 йилда Петербург шахмат клубида берган сеансда Чигорин дастлабки биринчи соатда саккиз тахтада жами 58 юриш, иккинчи соатда 38 та кейингиладан атиги 20 — 25 тадан юриш қилган, холос. Бундай мисли йўқ ақл-идрок қураши пайтида инсон миясининг нақадар жадал ишлагандлигини шундан ҳам билса бўладики, Чигорин рақибларидан бирининг 5 юришдан кейин мот бўлишини аниқ башорат қила олган. Америкалик Г. Пильсбери 25 тахтада қўрмай сеанс берган. Айтишларича шундай сеансларнинг бирида у рақибларидан бирига 11 юришдан кейин уни мот қилганлигини олдиндан айтган.

Биринчи рус жаҳон чемпиони А. А. Алехин доналар ва ҳоналарни қўрмай 32 тахтада бир йўла ўйнай олган. Сеанс 12 соат давом этиб Алехин шундан 19 тасини ютган 9 тасини дуранг қилган ва 4 тасини бой берган. Бу воқеа 1933 йил Чикагодаги жаҳон кўргазмасида бўлган эди. Алехиннинг бу маҳоратини ўша давр матбуоти бундай шарҳлаган эди: «Бу рекорд, шахмат соҳасида инсон тафаккури ва хотира кучи нимага қодир эканлигини қўрсатувчи охирги чегара бўлса керак. Бундан ўтилса жинни бўлиб қолиш ҳеч гап эмас».

(Давоми бор)

М. МУҲИДДИНОВ тахририда

СОҒЛОМ АВЛОД СОҒЛОМ КЕЛАЖАКНИ ЯРАТАДИ

Келажагимиз бўлган болаларни маънавий, жисмоний, ақлан соғлом бўлиб вояга етишлари учун, қолаверса оналар саломатлигини сақлаш учун нималарга эътибор бермоқ керак? Умуман соғлом авлодни вужудга келтириш учун шу бугунги кунда қандай муҳим масалалар амалга оширилмоқда? Узбекистон педиатрия институтининг бўлим мудири, медицина фанлари доктори, профессор Матлуба опа Азимжонова билан суҳбатимиз бугунги кунниг долзарб масаласига айланган соғлом авлод ва соғлом келажак муаммосига бағишланган.

- Матлуба опа, болаларининг соғлом дунёга келишида фақаттина онанинг эмас, отанинг ҳам роли катта эмасми? Яна қизларни эрта турмушга бериш, фарзандлар туғилиши орасидаги вақтнинг аҳамиятига ҳам тўхталсангиз.

- Ҳар бир ота-она шунчаки болани қўпайгирибгина қолмасдан, балки уларни соғлом туғилишини, соғлом усиши ҳақида ҳам ўйлаши керак. Ҳар бир оила аввало оила маданиятининг қандай эканлигига эътибор бериши керак. Оилада аҳлоқий-маънавий руҳ устун турсагина бундай оилада соғлом, жисмоний ва ақлий соғлом фарзанд дунёга келади. Боланинг соғлом туғилишида фақаттина оналарнинг эмас, оталарнинг ҳам роли катта. Ҳомиладор аёлга турмуш ўртоғи қанча меҳрибон, ширинсўз бўлса, боланинг ҳам, онанинг ҳам соғлигига шунча яхши. Чунки она қанча асабийлашса, руҳан эзилса, бу унинг ҳомиласига ҳам бевосита таъсир қилади. Ва натижада носоғлом фарзанд дунёга келади. Аёл ҳомилалик вақтида асабийлашадиган, тез аччиқланадиган, инжиқ бўлиб қолади. Мана шундай пайтда турмуш ўртоғи уни тўғри тушунишга, кўнглига қараб иш тутишга ҳаракат қилиши керак. Оилада соғлом муҳит бўлса, яъни оилада уруш жанжал бўлмаса, онанинг кўнгли тинч бўлади, зеро бола туғилгандан кейин она кўкрагидаги сутининг старлича бўлиши она кайфиятига боғлиқ.

Носоғлом авлоднинг вужудга келишида яна бир сабаб қариндошдан қиз олиб, қиз беришдир. Бир бирига қариндош бўлган ота-онадан касалманд, майиб-мажруҳ фарзандлар дунёга келиши ҳеч кимга сир эмас. Лекин шунга қарамай ҳамон шу одат давом этиб келмоқда. Айниқса Наманган вилоятида аҳолининг 30фоизини қариндош уруғ қўдалар ташкил қилади. Ахир «Қопдош қўда бўлмас» деган гап-наҳот уларнинг ҳаёлига келмаса.

Оналар ва туғилажак фарзандларнинг соғлигига путур етказадиган яна бир муаммо бу - оналарнинг иккинчи фарзанд туғилишини оралиғига эътибор бермаслигидир. Агар она йил охири ва йил бошида, яъни туғиш оралиғи бир йил бўлса, она организми чарчайди, камқонлик касалига учрайди. Ва оқибатда бола ҳам касалланади еки чала туғилади, шунинг учун кейинги фарзанд туғилиш орасидаги вақт 3 йил бўлиши керак. Чунки бу даврда она организми дам олади. Бўлажак фарзанд организми учун керакли моддаларни йиғади. Она қўлидаги гудаги учун старлича кўкрак сути пайдо бўлади. Гўдакнинг соғ-саломат ўсишида кўкрак сутининг ҳам аҳамияти катта. Айниқса, бола туғилган заҳоти 2 соат ичида эмизиш жуда фойдали, яъни оғиз сути билан она болага меҳр сутини берган бўлади. Оғиз сутида онанинг ҳар доимги сутидан кўра кўпроқ витамин, оқсиллар мавжуд. Фирдавсийнинг бир ҳикматли сўзи бор: «Она сут бермаса туғилган ҳамон, инсонсиз қолурди бу кекса замон». Бу ҳикматли сўз замирида жуда катта маъно бор.

- Матлуба опа, кейинги вақтларда қизларни вақтли турмушга бериш кўплаб кузатилмоқда. Биргина мисол, мана шу Тошкент шаҳрининг ўзида қизларни 16-17 ёшида бераётганларининг гувоҳи бўлаяпмиз. Соғлом ёки носоғлом фарзанд туғилишида ёшнинг аҳамияти борми?

- Кўпинча носоғлом, касалманд, чала фарзандлар дунёга келишида қизларни 16-17 ёшдан турмушга бериш сабаб бўлмоқда. Чунки бу ёшда организм фарзанд туғиш учун тула тайёр бўлмайди. Ўтган йили клиникамизга 17 ёш бир келинни олиб келишди. 16 ёшида турмушга чиққан экан. Боласи бор йўғи 900 грамм оғирликда туғилган. Яна 16 ёшидан 18 ёшгача бўлган вақт оралиғида 2 та фарзанд туққан. Мадина исмли келинни ҳам мисол қилиш мумкин. Биринчи фарзанди 1 кг 200 грамм туғилган, 2 нчи 1 кг оғирликда туғилган. Бунга сабаб биринчидан ёш турмушга чиққани бўлса, иккинчидан туғиш оралиғидаги вақт жуда қисқа, яъни бир йил бўлганлигидир.

Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Қолаверса, аёлларнинг 35-39 ёшида туғиши ҳам фарзандларнинг носоғлом туғилишига олиб келади.

- Ёш оилаларнинг ажраб кетиши кўпинча уларнинг бири носоғлом эканлигидир. Мана шундай оилаларнинг бузилиб кетмаслиги учун ҳозирги кунда медицина соҳасида қандай ишлар қилинмоқда?

- Болажак оналарни қизилоқдик давриданоқ, яъни мактаб-боғча ёшиданоқ соғлигига эътибор бериб, унинг қандай касаллиги борлиги аниқланиб, ўз вақтида даволатиш зарур. Баъзан туғруқхонага келтирилган ҳомиладор аёлларнинг қон босими тўсатдан ошиб кетиши натижасида дунёдан кўз юмиш ҳоллари учраб туради. Ўша аёлларнинг ёшлигида қандай касаллик билан оғриганини суриштирганимизда қўпроқ томоқ оғриғи ангина билан оғриганини айтишади. Демак, бундан келиб чиқадики, ёшлигида бирон касаллик билан оғриган қизлар вақтида яхши даволанмаса бу ҳол уларнинг ҳомиладорлик ҳолатига бевосита таъсир қилар экан.

Мана, 4 йилдирки, болажак келин-куёв махсус тиббий кўрикдан ўтказилиб, улар соғлом бўлсагина ЗАГС дан турмуш қуришларига рухсат берилмоқда. Бу билан биз ёш оилаларнинг бузилишининг олдини қисман бўлса ҳам олган бўлаяпмиз.

Қолаверса, республикамизнинг бир қанча вилоятларида касалманд ҳомиладор аёлларнинг туғишдан олдин даволаниб, қузи ериғандан кейин ҳам чақалоқни ва онани даволайдиган марказлар бор. У ерларда қанчадан қанча ҳомиладор аёлларимиз даволаниб кетмоқда.

Фарзандларимизнинг соғ-саломат туғилишида, усишида ота-она соғлигини ҳисобга олиш ва уларга бор эътиборни қаратиш шу соҳа мутахассисларининг долзарб вазифасидир, зеро соғлом ота-она соғлом фарзандни дунёга келтиради, соғлом авлод эса соғлом келажакни яратади.

Барно СУЛТОНОВА

Бош муҳаррир: Саидакром САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Л.ГУЛЬ, Э.ЁҚУБОВ, Ф. МУЛЛАЖАНОВ, М. ОТАҚУЛОВ, А.СИЛЕЕНКОВ, А.СУЛТОНОВ, М.ТУЛАГАНОВА, Р.УБАЙДУЛЛАЕВА, Б.УМУРЗОҚОВ, А.ФАРМОНОВ, Ф.ҲОЖИҚУЛОВА, Ҳ.ШАЙХОВ, Ф.ШОҲИСМОИЛ, З.ҚОДИРОВ.

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63, Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида- 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетани 1994 йил 14 январда Узбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2, ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4 1—уй.

Буюртма Г— 0912. Босишга топширин вақти — 21.00 Топширилди 21.30. Масъул навбатчи : Холқўжа МИРЗАЕВ

1 2 3 4 5 6